<u>Индометацин</u> Indometacinum	Хар хил этиологияли яллиғланиш процессларид а: ревматизм, ревматоид артрит, СКВ, склеродермия , тугунчали периартрит, дерматомиози т, диферинциа циаловчи остеортроз, псориатик артропатия, подагра, гломерулонеф рит, пиелонефрит. Яллиғланиш чақирган оғрик синдромида. Иситма тушириш учун	Таб., др. 0,025, Шамча 0,05. Суткасига 3-4 маҳал, 3-4 мг/кг/сут., овқатдан кейин	ФД: ЦОГ _{1,2} ни ингибирланиши натижасида простагландинлар синтезининг бузилиши натижасида яллиғланиш медиаторларининг синтези камаяди, тўқималарда экссудация ва пролиферация камаяди ФЭ: Яллиғланишга қарши, анальгетик, температурани туширувчи, тромбоцитлар агрегациясини тормозловчи, десенсибиловчи, антиканцероген, антисклеротик, Баталов йўлининг бекилиши, ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган бачадон мускулларини қисқартирувчи. ФК: Per os, МИТдан яхши сўрилади, биоэришувчанлик 98%. Максимал концентрация 4-5с. 97-98% қон плазмаси оксиллари билан боғланади, бошқа ДВларни сиқиб чиқаради. Элиминация: жигарда биотрансформацияга учраб, жигардан ва 5-10% ўзгармаган холда буйраклардан чиқарилади.	Индивидуал кўтара олмаслик. Эхтиёткорлик билан буйракларнинг оғир паталогияларида , яра касаллигида, лейкопенияда, 6 ёшгача болаларда курс терапия ўтқазилмайди	Диспепсия: эпигастрал сохада оғриклар, кўнгил айнаши, қайт қилиш, метеоризм, кабзият ёки диарея, улцероген таъсир, яранинг перфорацияси, меъдадан қон кетиш. МНС: бош оғриғи, бош айланиши, асабийлик, уйқусизлик, периферик шишлар, қулоқ шанғиллаши, талвасалар. Қон: анемия, лейкопения, тромбоцитопения, агранулоцитоз. Жигар ва буйраклар функциясининг бузилиши. Тери ва шиллик қаватларда тошмалар, фотосенсибилизация, полиморф эритема, токсикодермия, пемфигус. Аллергик реакциялар	Антацидлар Индометацин нинг сўрилишини камайтиради. Индометацин фуросимидни нг диуретик эффектини сусайтиради. СЯҚВларнинг яллиғланишга қарши, анальгетиклар нинг анальгетик эффектларини кучайтиради.

Топширик № 3Препарат бўйича ТБВ: Преднизолон

Препарат (гурухи)	Кўрсатмалар	Чиқариш шакли, дозаси, юбориш йўли	Фармакодинамика Фармакокинетика	Қарши кўрсатмалар	Ножўя таъсирлари	Ўзаро таъсирлари
Преднизолон	Хар хил этиологияли шокларда, ревматизм, ревматоид артрит, СКВ, склеродермия, тугунчали периартрит, дерматомиозит, диферинциациало вчи остеортоз, псориадик артропатия, подагра, гломерулонефрит, пиелонефрит, буйрак усти беи етишмовчилиги, астматик статус,коллагеноз лар,органлар трансплантацияси .	Таб. 0,001 ва 0,005 Амп.3% - 1мл (30мг) Сут. доза 1-5 мг/кг.	ФД: фосфалипаза А ₂ ни ингибирлайди, натижадапростогландинлар ва лейкотриенларсинтези камаяди. ГК биологик актив моддаларни, катехоламинларни таъсирини потенцирлайди. Бунда адренорецепторларнисезувчанлиги ошади ФК: ГК МИТ дан яхши сўрилади, жигарда оксидланиш- қайтарилиш,конъюгация йўли билан метаболизмга учрайди. Буйраклар орқали сульфатлар ва глюкуронидлар кўринишида чиқиб кетади. Барча шилликқаватлардан ва гистогематик барьерлардан (ГЭБ ва плацента) яхши ўтади. Қонда максимал концентрация 0,5-1,5 соатдан кейин пайдо бўлади. Парэнтерал юбориш ҳам мумкии (м\о , в\и).	Сил, замбуруғли , вирусли касалликлар, ГКларга сезгирлик ортганда	Шишлар, гипокалиемиа, метаболизмнинг ўзгариши, остеопорозлар, миопатиялар, артериал гипертензия, миокардиодистр офия, стероид диабет ва бошқалар.	Антацидлар Преднизолоннинг сўрилишини камайтиради. Преднизолон фуросимид ва ЮГ билан К ⁺ нинг экскрециясини оширади. НЯҚВларнинг, антигистаминларнинг, адреномиметикларнинг эффеқтларини кучайтиради.

Топшириқ № 4 Гипертермик синдромда ДВларни танлаш ва қўллаш.
Иситманинг патологик тури бўлиб, тана ҳароратининг тез ва ноадекват қўтарилиши
билан кечади. Бу ҳолатда микроциркуляциянинг бузилиши, метаболик ўзгаришлар
ва ҳаёт учун зарур орган ва системалар функциясининг прогрессив бузилиши
кузатилади.

Ҳолати	Симптоматика	Фармакотерапия
«Қизил» гипертермия	тана ҳарорати юқори бўлишига қарамай бола ўзини тутиши ўзгармаган тери қаватлари гиперимияси, қўл-оёқлари иссиқ, нам. пульс ва нафас тезлашган.	Болани устини очиб ташлаш керак ва максимал кийимсиз бўлиши керак Кўп даражада суюқлик бериш (0,5-1 л/суткасига норма). Физик методлар билан совутиш (пешонасига намлаб сочиққўйиш, сувга уксус аралашмаси билан артиш.). Ичишга - парацетамол -10-15 мг / кг. Агар 30-40 мин мобайнида таналар тпасаймаса, " литик " аралашмақилинади м /о: - 50% анальгин –1г- 0, 01 мл / кг ; 1 ёшдан катта 1г – 0, 1 мл / ёшига. Эффект бўлмаса 30-60 миндан кейин "литик" аралашмани қайта қилишмумкин..
«Оқ» гипертермия	бола ўзини тутиши ўзгарган - пассив, кўзгалувчанлик, васваса ва талвасалар ҳам бўлиши мумкин; териси оқарган, «мраморли», тирноқлари ва лаблари цианотик рангда; кучли тахикардия , хансираш.	парацетамол – 10-15 мг/кг - ичишга. томир кенгайтирувчилар – 2% но-шпа – 0,1 мл/ёшига ёки 1% дибазол -0,1 мл/год ёки 2% папаверин 0,1-0,2 мл/ёшга Дроперидол 0,25 % 0,1-0,2 мг/кг м/о. Болалар оқ иситма билан каслхонага ётқизилиши шарт

Интерактив ўқитиш усули сценарийси.

«Мия хужуми» усули

Мавзу: - НЯҚВларнингқўлланилишига клиник-фармакологик ёндошиш.

Савол танлаш

1. НЯҚВларнинг классификацияси.
2. НЯҚВларнинг эффектлари.
3. НЯҚВларнинг ножўя эффектлари.

Қатнашчиларга вазифаларини тушунтириш: қисқа вақт ичида (масалан 10 минут) максимал ўз фикрларини билдириш лозим.

Котиб танлаш - талабалар ичидан, доскага барча фикрларни ёзиб бориш (флип-картага, плакатга)

Талабаларнинг жавобларига ҳеч қандай салбий баҳо бермаслик. Агар катнашувчилар қийналса - педагог ўйлашга вақт беради ёки уларга бошлаб беради

1. Жавоб:

- Салицил кислота унумлари: *Ацетилсалицилат кислота=аспирин, ноацетилланган салицилатлар: натрия салицилат, салициламид, долобид.*
- Пиразолон унумлари: *Метамизол=анальгин, фенилбутазон=бутадион, азапропазон=реймокс, клофезон=перклюзон.*

- Индолуксус кислота унумлари: метиндол = индометацин, сулиндак = клинорил, кеторолак = торадол, толметин = толектин, этодолак = лодин.
- Фенилуксус кислота унумлари: диклофенак натрий = вольтарен = ортофен, диклофенак калий = раптен, фенклофенак, алклофенак, фентиозак.
- Фенилпропион кислота унумлари: Ибупрофен = бруфен = нурофен, напроксен = напросин, набумитон = релафен, кетопрофен, тиaproфеновая кислота = сургам .
- Антранил кислота унумлари: мефенам, флуфенам, меклофенам ва толфенам кислота, нифлум кислота = клониксин.
- Анилин унумлари: ацетаминофен = парацетамол = Эффералган = Панадол.
- Оксикам унумлари ёки енол кислоталар: пироксикам = фелден, теноксикам, изоксикам, мелоксикам = мовалис.
- Сульфонанилид унумлари: нимесулид = месулид = найз, целекоксиб = целебрекс, рофекоксиб = виокс.

2. Жавоб:

1. Яллиғланишга қарши таъсир.
2. Анальгетик таъсири.
3. Антипиретик таъсир (температурани туширувчи)
4. Тромбоцитлар агрегациясини тормозловчи таъсир.
5. Десенсибиловчи таъсир.
6. Антиканцероген таъсир.
7. Антисклеротик таъсир.
8. Баталов йўлининг бекилиши.
9. Ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган бачадон мускулларини қисқартирувчи таъсир.

3. Жавоб: Глюкокортикоидларни ноҳуя таъсирлари:

- МИТ томонидан (юбориш йўлига қарамасдан): кўнгил айнаш, қайт қилиш, эпигастрал соҳада оғриқлар, метеоризм, қабзият, диарея, ульцероген таъсир, яранинг перфорацияси, меъдадан қон кетиш.
- Узоқ вақт қўлланилганда бош оғриғи, бош айланиши, тажанглик, уйқусизлик, периферик шишлар, қулоқ шанғиллаши, талвасалар.
- Анемия, лейкопения, тромбоцитопения, агранулоцитоз (пиразолон, индометацин, аспирин).
- Жигар ва буйрақлар функциясининг бузилиши (функционал ва органик).
- Тери ва шиллиқ пардаларнинг зарарланиши: тошмалар (скарлатина - ва қизамиксимон), фотосенсибилизация (тошмалар фақат тананинг очиқ қисмларида), полиморф эритема, токсикодермия, пемфигус. Ибупрофен аллопеция чақириши мумкин. Аспиринли ринит, конъюнктивит, астматик триада чақириши мумкин).
- Аллергик реакциялар (анафилактик шок, Квинке шиши).
- Кўрув нервининг неврити, ретинопатия ва кератопатия. (индометацин).
- Психиканинг ўзгариши: галлюцинациялар, эшитишнинг транзитор ўзгариши.

«Мия хужуми» усули

Мавзу: СЯҚВларнинг қўлланилишига клиник-фармакологик ёндошиш.

Савол танлаш

4. СЯҚВларнинг классификацияси.
5. СЯҚВларнинг ФДси.
6. СЯҚВларнинг ноҳуя эффектлари.

Қатнашчиларга вазифаларини тушунтириш: қисқа вақт ичида (масалан 10 минут) максимал ўз фикрларини билдириш лозим.

Котиб танлаш - талабалар ичидан, доскага барча фикрларни ёзиб бориш (флип-картага, плакатга)

Талабаларнинг жавобларига ҳеч қандай салбий баҳо бермаслик. Агар катнашувчилар қийналса - педагог ўйлашга вақт беради ёки уларга бошлаб беради

1. Жавоб:

1. Қисқа таъсирли ДВлар: Кортизон, Гидрокортизон.
2. Ўртача таъсирли ДВлар: Преднизолон, Метилпреднизолон, Триамциналон
3. Узоқ таъсирли ДВлар: Дексаметазон, Бетаметазон.

2. Жавоб:

1. Глюкокортикоидлар фосфалипаза A_2 ни ингибирлайди ва яллиғланишни ривожланишида иштирок этувчи простогландинлар ва лейкотриенларни синтезини камайтиради.
2. Аллергияга қарши таъсири бир қанча факторларга боғлиқ
 - а) базофиллар миқдорини камайтириши
 - б) секин кечувчи аллергия реакциялар медиаторларининг секрецияси ва синтезини тормозланиши натижасида хужайра ичи цАМФ миқдорини ошириши ва цГМФ камайтиришига боғлиқ.
 - в) глюкокортикоидлар қондаги Т-лимфоцитлар ва В –лимфоцитлар миқдорини камайтиради.

3. Жавоб: Глюкокортикоидларни нојўя таъсирлари:

1. Натрий ва сувни ушланиши натижасида шишларни келиб чиқиши.
2. Мушак бўшашишлиги, тиришиш, гипокалиемия, метаболик алкалоз.
3. Остеопороз
4. Миопатия.
5. Артериал гипертензия, миокардиодистрофия, аритмия
6. МИТда яралар
7. Стероид диабет
8. Инфекцияни активланиши
9. Тана вазни ортиши ёки камайтириши
10. Психика ўзгариши: уйқусизлик, эйфория, кўзғалиш, безовталиқ психозлар, депрессия.
11. Кушинг синдроми, ойсимон юз, тана юкори қисмидатери ости ёғ клетчаткаларини тўпланиши, аменорея.
12. Гипоталамо-гипофизар-буйрак усти безини супрессияси.


Кластер

« Яллиғланишга қарши ДВлар »

1. Кластер усули талабаларнинг ЯҚВлар тўғрисидаги билимларини бир тизимга туширишга ва янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Масала: «Яллиғланишга қарши ДВлар»ни аниқланг.
2. Масаланинг ечими: «Яллиғланишга қарши ДВлар» кластерини тўлдиринг.

Синф доскасининг марказига ёки катта вараққа «Яллиғланишга қарши ДВлар» деб ёзилади.
Асосий савол ўртада доира ичига ёзилади, унинг атрофига кичик доирачаларга жавоб сўзлари ёзилади. Бу доирачаларни асосий сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади.
Вазифа ажратилган вақт давомида барча фикрлар тугагунча давом этади. Сўнгра кластер муҳокама қилинади.



Кластер «СЯҚВларнинг ножўя эффектлари»

3. Кластер усули талабаларнинг СЯҚВ фармакодинамик эффектлари тўғрисидаги билимларини бир тизимга туширишга ва янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.
4. Масала: «СЯҚВларнинг ножўя эффектлари»ни аниқланг.
5. Масаланинг ечими: «СЯҚВларнинг ножўя эффектлари» кластерини тўлдиринг.
Синф доскасининг марказига ёки катта вараққа «СЯҚВларнинг ножўя эффектлари» деб ёзилади.

Асосий савол ўртада доира ичига ёзилади, унинг атрофига кичик доирачаларга жавоб сўзлари ёзилади. Бу доирачаларни асосий сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Вазифа ажратилган вақт давомида барча фикрлар тугагунича давом этади. Сўнгра кластер муҳокама қилинади.




Кластер.

«СЯҚВларнинг фармакодинамикаси»

1. Кластер усули талабаларнинг СЯҚВ фармакодинамик эффектлари тўғрисидаги билимларини бир тизимга туширишга ва янада мустахкамлашга ёрдам беради.
 2. Масала: «СЯҚВларнинг фармакодинамикаси»ни аниқланг.
 3. Масаланинг ечими: «СЯҚВларнинг фармакодинамикаси» кластерини тўлдиринг.
- Синф доскасининг марказига ёки катта вараққа «СЯҚВларнинг фармакодинамикаси» деб ёзилади.

Асосий савол ўртада доира ичига ёзилади, унинг атрофига кичик доирачаларга жавоб сўзлари ёзилади. Бу доирачаларни асосий сўз билан линиялар ёрдамида бирлаштирилади. Вазифа ажратилган вақт давомида барча фикрлар тугагунича давом этади. Сўнгга кластер муҳокама қилинади.



Т- схема

1. Т- схема талабаларнинг глюкокортикоидларни афзаллик ва камчиликлари ҳақидаги билимини чуқурлаштиришга ёрдам беради
2. Вазифа:
 - 1) Глюкокортикоидларни ижобий ва салбий томонларини кўрсатинг.
 - 2) Т-схемани тўлдириг.

Ўқитувчи таблицанинг чап тарафига препаратнинг авзаллиги, ўнг тарафига камчиликлари ҳақида ёзилиши кераклигини эслатади

Т—схема

«Глюкокортикоидларни: «камчилик ва авзаллиги»

Авзаллиги	камчилиги

Т—схема

«Глюкокортикоидларнинг: «камчилик ва афзалликлари»

Авзаллиги	камчилиги
Хамма ёшга буюриш мумкин	Таблетка қабул қилишни хоҳлаган вақтда тўхтатиш мумкин эмас
Шокга қарши таъсир	Қон босимини ортиши
Аллергияга қарши таъсир	Қон шаклли элементларини ўзгариши
Иммунодепрессив эффект	Лейкоцитлар ва тўқима макрофагларини функциясини пасайиши

Тарқатма материаллар:

1. Рецептүра минимүми
2. ТКФБВ
3. Назарий қисмни баҳолаш варағи ва жадваллар.

Тестлар:

1. 1,2,3,5; 2. 1,2,3,4,5; 3. 3; 4. 1,2,3,4; 5. 1,5; 6. 1,2,3,4,5; 7. 1,3,4,5; 8. 1,2,3,4;
9. 1,2,3,4,5; 10. 1,2,3,5; 11. 1,2,3,4; 12. 1,2,3,4,5; 13. 1,2,3,4; 14. 1,5; 15. 1,2,3,4,5; 16. 1,5; 17. 1,2;
18. А-2;5 Б-1;3;4; 19. 1,2,3-А 4,5- Б; 20. 1,4; 21. 1,2; 22. 1,2,3,4,5; 23. 2,5; 24. 1,2,3,4,5; 25. А-1,2,5 Б-3,4; 26. 1,3,4; 27. 3; 28. 1; 29. 4; 30. 1; 31. 4; 32. 2; 33. 1; 34. 4

Вазиятли масалалар

Вазиятли масала № 1

12 ёшли бола (оғирлиги 38 кг) касалликнинг 3-куни стационарга ҳолсизланиш, фебрил температура, ўнг ва чап оёқ бўғимларида оғриқ ва шишга шикоятлар билан келган. Анамнезда: сурункали декомпенсирланган тонзиллит, сурункали гиперацид гастродуоденит. Клиник - лаборатор ва инструментал текширув натижаларига қараб диагноз қўйилди: ревматизм I даража, актив фазаси, активлик III даража эндомиокардит, полиартрит. Буюрилди: преднизолон 30 мг суткали дозада ва ацетилсалицилат кислотаси суткали доза - 2 г.

Савол:

1. Фармакотерапиянинг эффективлиги ва бехатарлигини таъминланг.
2. Агар маъкул кўрсангиз ФТни яхшилаш юзасидан кўрсатмалар беринг.

Жавоб:

1. Гиперацид гастритда ацетилсалицилат кислота ва преднизолоннинг бирга берилиши яра хосил бўлиши хавфининг ортишига олиб келади.
2. Бу асоратнинг олдини олиш учун ацетилсалицилат кислотасини минимал ulcerоген таъсирга эга бўлган НЯҚВ – напроксен ёки волтаренга алмаштириш керак.

Баҳолаш мезонлари

Балл	Баҳо	Мавзу: ЯҚВларнинг қўлланилишига клиник-фармакологик ёндашиш
86-100	Аъло	Талаба билади: Яллиғланишга қарши препаратлар классификацияси (НЯҚВ, СЯҚВ). СЯҚВлар классификацияси, ФД, ФК, ножўя таъсирлари, кўрсатма ва қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВлар билан ўзаро таъсирини билади. Буларни билган ҳолда бу дорилар билан эффектив ва бехатар давони таъминлай олади. Талаба СЯҚВларга тўғри рецепт ёзади, вазиятли масалаларни тўғри ечади, тест саволларига тўғри жавоб беради. Конспектлари ва препаратларга баҳолаш варқалари бор.
71-85	Яхши	Талаба билади: Яллиғланишга қарши препаратлар классификацияси (СЯҚВ). СЯҚВлар классификацияси, ФД, ФК, ножўя курсатмаларни билади. Ножўя таъсирлари, қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВлар билан ўзаро таъсирини тўлиқ билмайди. Бу дорилар билан эффектив ва бехатар давони таъминлай олади. Талаба СЯҚВларга тўғри рецепт ёза олади, вазиятли масалаларни тўғри ечади, тест саволларига тўғри жавоб беради.
55-70	Қониқарли	Талаба билади: Классификациядаги ДВларни тўлиқ билмайди. Таъсир эффектларини билади, лекин таъсир механизмини тўлиқ билмайди, ФКни тўлиқ билмайди, ножўя таъсирлари, кўрсатма ва қарши кўрсатмаларини қисман билади, бошқа ДВлар билан ўзаро таъсирини яхши билмайди. Бу дориларни эффективлигини баҳолай олади, лекин бехатарлигини таъминлай олмайди. Рецептларни ҳатолар билан ёзади. Вазиятли масалаларни ўқитувчи ёрдамида ечади, тест саволларига жавоб беришда адашади. Конспектлари бор.
0-54	Қониқарсиз	Классификациядаги ДВларни тўлиқ билмайди. Таъсир механизмини, ФК ни, ножўя таъсирлари, кўрсатма ва қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВлар билан ўзаро таъсирини билмайди. Бу дориларни эффективлигини баҳолай олмайди, бехатарлигини таъминлай олмайди. Рецептларни ёза олмайди, вазиятли масалаларни еча олмайди, тест саволларига жавоб бера олмайди. Конспектлари йўқ. Мавзу муҳокамасида пассив қатнашади.

Мавзу бўйича назорат саволлари.

1. НЯҚВ ва СЯҚВларнинг классификацияси.
2. Яллиғланишга қарши таъсир механизми.
3. Харорат тушурувчи таъсир механизми.
4. Анальгетик таъсир механизми.
5. Антиагрегант таъсир механизми.
6. НЯҚВ ва СЯҚВларнинг фармакокинетикаси.
7. НЯҚВ ва СЯҚВларнинг қўлланилишига кўрсатмалар.
8. НЯҚВ ва СЯҚВларнинг қўлланилишига қарши кўрсатмалар.
9. НЯҚВ ва СЯҚВларнинг ножўя эффектлари.
10. НЯҚВ ва СЯҚВларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари.
11. НЯҚВ ва СЯҚВларнинг бошқа ДВлар билан ўзаро таъсирлари.

Машғулот № 4

Мавзу: Томир тонусига таъсир этувчи дори воситаларининг клиник фармакологияси. Томир тонусига таъсир этувчи фитопрепаратлар.

Машғулотни давомилиги: 4 соат	
Машғулотни ўтказиш режаси	
Машғулот мақсади:	Томир тонусига таъсир қилувчи ва гиполлипидемик препаратлар клиник фармакологияси. Томир тонусига таъсир қилувчи фитопрепаратлар.
Педагог вазифалари: 1. Антигипертензив ва гиполлипидемик ДВларни таснифи билан талабаларни таништириш; 2. Антигипертензив ва гиполлипидемик ДВларни ФД, ФК, қўлланилиши га кўрсатмалар, самарадорлигини аниқлаш билан талабаларни таништириш; 3. Ўтказилаётган фармакотерапияни эффективлигини ва бехатарлигини таъминлашини талабаларга ургатиш; 4. Ножўя таъсирларни ривожланишини олдиндан кўра билиш, олдини олиш ва коррекция қила билишини талабаларни ўргатиш;	Ўқув процессини натижалари: Талаба билиш керак: 1. Антигипертензив ва гиполлипидемик ДВларни таснифини; 2. Антигипертензив ва гиполлипидемик ДВларни ФД, ФК, қўлланилишига кўрсатмалар, самарадорлигини аниқлашни ва бехатарлигини таъминлашни; 3. Ножўя таъсирларни ривожланишини олдиндан кўра билиш, олдини олиш ва коррекция қила билишини ;
Ўқитиш усуллари	Блиц-суров, интерактив методлар («Мия хужуми»), Кластер, вазиятли масалалар, тестлар
Ўқитиш шакилларини усуллари	Индивидуал/ коллективда/ кичик гуруҳларда ишлаш/, Кластер, Т-схема, вазиятли масалалар, тестлар
Ўқитиш воситалари	Тарқатма материаллар, вазиятли масалалар, тестлар
Қайта алоқа манбалари ва воситалари	Блиц-сўров/ тест ўтказиш (мослигига)/берилган вазифаларни натижасини презентацияси ва б.к.

Назарий қисм:

Кўриб чиқиладиган саволлар:

1. Томир тонусига таъсир қилувчи ва гиполлипидемик воситалар таснифи.
2. Антигипертензив препаратларнинг ФД ва ФКси.
3. Антигипотензив препаратлар ФД ва ФКси .
4. Гиполлипидемик препаратлар ФД ва ФКси .
6. Қўлланилишига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар.
7. Ножўя ва ўзаро таъсирлари.
8. Самарадорлигини назорат қилиш ва ҳафвсизлигини таъминлаш.

Машғулот ўтказиш режаси.

1. Йўклама
2. Талабаларни машғулотнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш
3. Уй вазифаларини текшириш (блокнот, конспект, рецептлари).
4. Актив савол-жавоб:

5. Тест топшириқларини муҳокама қилиш.
6. Вазиятли масалаларни муҳокама қилиш
7. Интерактив усулларни ўтказиш сценариси
8. Резюме
9. Билимларни баҳолаш.
10. Хужжатларни тўлдириш конспектга ва ўқув журнаliga балл қўйиш).
 - конспектга балл қўйиш
 - талаба журнаliga балл қўйиш

Амалга ошириш усуллари:

1. Тарқатма материаллар
2. Топшириқларни бажариш № 1 – 3
3. Интерактив ўқитишни ўтказиш сценарийси
4. Тест саволлари
5. Вазиятли масалалар

Топшириқлар 1-3:

Топшириқ №1. Rp - блокнот тўлдириш (Рецептур минимум)

Топшириқ №2. Мавзу бўйича ДВ рецептини ёзиш

№	ДВ рецептларини ёзиш	Ўқитувчи эслатмаси
1.	Rp Clophelini 0, 00075 D.t.d. N 20 in tab. S.: 1/2 таб х 2 маҳал кунига. 10 ёшли бола.	АБ назорати остида юборилади
2.	Rp: Sol. Clophelini 0, 018% - 1ml D.t.d. N 5 in amp S.: Гипертоник кризда 0,5 мл изотоник эритмада в/и секинлик билан юборилади.	Натрий хлорнинг 0,9% эритмасининг 10-20,0 в/и секин юборилади
3.	Rp: Apressini 0,01 D.t.d. №20 in tab. S.1/2 таб х4 маҳал кунига. 7 ёшлик бола.	
4.	Rp: Sol. Arfonadi 5% - 5 ml. D.t.d. N 3 in amp. S.1,8 мл эр-ма 200 мл физ. эритмада эритилиб в/и секин юборилади	Лозим бўлса, дозасини ошириш мумкин. Гипертоник криз ва бошқарилувчи гипотонияда қўлланилади.
5.	Rp: Sol. Pentamini 5% - 1 ml D.t.d. N 3 in amp S. Гипертония касаллигида 0.2мл 20 мл физ эр-мада в/и секин юборилади.	Гипертония касаллигида ва бошқарилувчи гипотонияда қўлланилади.
6.	Rp: Natrii nitroprussidi 0.025 D.t.d. N 3 S. Модда физ. эр-мада эритилиб, в/и секин юборилади.	Эритма юборилишдан олдин Тайёрланади олдин 50 мл 5% глюкоза эритмасида, кейин 500 мл 5% глюкоза эритмасида
11.	Rp: Caps. Clofibrati 0,5 D.t.d. № 50 S: Овқатдан кейин ичиш учун 1 капс. дан 3 маҳал. Курс 20-30 кун.	Овқатдан кейин ичиш учун 0,5-0,75г дан 3 маҳал. Курс 20-30 кун.

12.	Rp: Tab.Lovastatini 0,02 D.t.d. № 14 S: ичиш учун 1-2 таб дан 1 мах. Курс 2-3 йил.	Катталар учун максимал суткалик доза 0,2- 0,8г/сут, 1 махал.Курс 2-3 йил
13.	Rp: Sol. Acidi nikotinici 0,1% - 1 ml D.t.d. № 30 S: 1мл дан 1 махал м/о	Катталарга суткалик доза 20-25мг; Болаларга 5-20мг. Ичиўга,м/о, в/и.

Топшириқ №3. препаратлар бўйича ДВБВ :

Мавзу бўйича минимумга киритилган препаратларни (оғзаки ёки ёзма) ўзлаштириш • Чиқариш шакли, дозаси, юбориш йўли. • кўрсатма • ФДваФК • Қаршикўрсатма • Ножўя таъсирлар • Ўзаро таъсир	Тўлдирилади: Берлиприл, Клофибрат, Никотин (тарқатма материал) препаратларига баҳолаш варақаси тўлдирилади
---	--

Топширик № 3 Берлиприл препаратига ТКФВ тўлдириш

Препарат (гр)	Кўрсатма	Чиқариш шакли	ФД ва ФК	Қарши кўрсатма	Ножўя таъсирлари	Ўзаро таъсир
Каптоприл АПФ ингибиторлар и Синонимлар: Капотен; Эналаприл Лизиноприл Рамиприл Периндонрил	-Юрак Етишмовчилигининг бошланғич Даврида монотерапия шаклида; -оғир юрак етишмовчилигида терапияга қўшимча диуретиклар ва дигоксин билан бирга; -оғир юрак етишмовчилигида вазодилататорлар билан дигоксин ва диуретиклар комбинацияси шаклида буюрилади.	Таблеткалар, драже 0,025, шамчалар 0,05. Суткасига 3-4 мг/кг 3 қабулга овқатдан кейин.	ФД: АПФ ингибиторлари АПФни блокаб, ангиотензин 2 ҳосилбулишини камайтиради, бу эса брадикининлар, энкефалинларни инактивациясига олиб келади. натижада қон томирларкенгайиб, АБтушади, организмдан натрий ва сувнинг ажралиб чиқиши кучаяди, тромбоцитлар агрегациясипасаяди. ФК: Овқат билан бирга қўлланилганда препаратнинг сўрилиши кескин камаяди. Шунинг учун овқатдан 2 соат олдин буюрилади. Биозришувчанлик 75-90%, таъсири 15-30 минутдан сўнг бошланади, максимал эффекти 1-1,5 соатдан сўнг. Давомийлиги 2-5 соат. Жигарда метаболизмга учраб, буйрак орқали сийдик билан ташқарига чиқарилади.	Гипотензияга олибкелувчи буйрак артерияларининг билатерал стенози ёки аналогик ўзгаришлар, артериянинг оғир стенози ёки обструктив кардиомиопатия, хомиладорлик.	-йўтал. -гипотензия (айниқса, буйрак артерияси стенозида, оғир юрак етишмовчилигида), -буйрак фаолиятининг бузилишида, -ангионевротик шиш. -буйрак етишмовчилиги (кўпинча буйрак артерияларининг билатерал стенозида), -гиперкалиеми (буйрак етишмовчилигида) ёки калий тутиб қолувчи диуретиклар қўлланилганда. -терида реакция. - протейнурия, - таъм билишни йўқолиши, -оғиз шиллиқ қавати шикастланиши, -оғиз қуриши.	Бир вақтда алюминий препаратларини қўллаганда сўрилиши бузади Индометацин билан ичакдан сўрилиши бузилади ва қон плазмасида унинг кўрсаткичи пасаяди. Индометацин Фуросимиднинг диуретик эффектний камайтиради.

Топширик № 3 Клофибрат препаратига БВ тўлдириш

Препарат (гр)	Кўрсатма	Чиқариш шакли	ФД ва ФК	Қарши кўрсатма	Ножўя таъсирлари	Ўзаро таъсирлари
Клофибрат (мисклерон, атромидин).	- гиперлиппротеидемия - атеросклероз -артериал гипертензия - юракнинг ишемик касаллиги	Капс 0,25 ; 0,5 Таб. 0,01 – 0,02– 0,04г. Амп. 0,1% - 1 ml Капс 0,25 ; 0,5 Овқатдан кейин ичиш учун 0,5-0,75г дан 3 махал. Курс 20-30 кун. Катталар учун максимал суткалик доза 0,2-0,8г/сут., 1 махал.	ФД : Клофибрат барча гиполипидемик дорилар ичида энг самарали ва хавфсиздир. Гиперлиппротеидемиянинг 1 туридан ташқари ҳамма турларида, айниқса III турида яхши натижа беради. Клофибрат лйпйдлар алмашйнувйга кўп киррйлий таъсир қилади. У ёғ тўқимасидан эркин ёғ кислоталарининг кўчишини (мобилизация) тўхтатади, уларнинг жигарда ушланиб қолишини камайтиради. Дори самараси қондаги триглицеридлар миқдорини 30—40 фоизга камайтириш билан кечади. Холестерин даражасига камроқ таъсир қилади. Фармкокинетикаси. Клофибрат ошқозоничак йўлидан яхши сўрилади. Ёнг юқори миқдори қонда 3 соатдан кейин кузатилади. Ярим чиқиш даври 12 соатга тенг. У эстеразалар таъсирида эркин парахлорфенилизомой кислоталарига гидролизланади, бу ёғ кислоталарини альбумин билан боғланган кўринишдан сиқиб чиқаради ва уларни тўқималарда оксидланишини осонлаштиради, бу эса қонда ёғ кислоталари миқдори камайишига олиб келади.	Жигар ва буйрак касалликларида, ҳомиладорликда кўлланиб бўлмайди.	Дори кам захарлилиги билан ажралиб туради. Баъзида кўнгил айнаши, қусиш, диарея, миозит, агранулоцитоз, жигар ва буйрак фаолиятининг бузилиши, камқувватлик, тери тошмалари, қичишиш, стоматит кузатилади. Даволаш вақтинча тўхтатиб турилганда бу салбий таъсирлар йўқолиб кетади. Клофибрат билан даволанганда вақтивакти билан протромбин вақтини аниқлаб туриш лозим.	Агар бемор антикоагулянтлар қабул қилаётган бўлса, уларнинг миқдорини камайитириш керак.

Ўқитишнинг интерактив усуллари (сценарий).

«Мия хужуми» усули

1. Мавзунини танлаш: Томир тонусига таъсир қилувчи ДВ

2. Савол танлаш

- А. Томир тонусига таъсир қилувчи ДВ қўлланилишига кўрсатма
- Б. Гипертония касаллигида қўлланилувчи препаратлар
- В. Гипертоник кризда қўлланилувчи препаратлар
- Г. Марказий генезга эга бўлган томир тонусига таъсир қилувчи воситалар
- Д. Миотроп томир тонусига таъсир этувчи препаратлар
- Е. Томирлар етишмовчилигида ганглиоблокаторлар.
- Ж. Аралаш типда таъсир этувчи воситалар.

Қатнашчиларга вазифаларини тушунтириш: қисқа вақт ичида (масалан 10 минут) максимал ўз фикрларини билдириш лозим.

Котиб танлаш - талабалар ичидан, доскага барча фикрларни ёзиб бориш (флип-картага, плакатга)

Талабаларнинг жавобларига ҳеч қандай салбий баҳо бермаслик. Агар катнашувчилар қийналса - педагог ўйлашга вақт беради ёки уларга бошлаб беради

А саволига жавоб:

Артериал гипертензия (АГ) I даражада
Артериал гипертензия (АГ) II даражада
Артериал гипертензия (АГ) III даражада
Симптоматик АГ
Гемодинамик АГ
Эн до крин АГ
Реноваскуляр АГ
Нейроген АГ

Хомиладорликнинг кеч токсикозларидаги симптоматик АГ

Б саволига жавоб:

- Воҳмали-депрессив ҳолатда - антидепрессант амитриптилин
- Ўлиб қолаётгандек қўрқинч ҳолатида-транквилизаторлар- айниқса «кундузги» транквилизаторлар.
- Седатив моддалар.
- 2 та препаратнинг биргаликдаги комбинациясини қўллаш:
 - альфа-адреноблокатор + АПФ ингибиторлари
 - альфа - адреноблокатор + сийдик хайдовчи ДВ
 - альфа - адреноблокатор + Ca^{++} ионлари антогонисти
 - АПФ ингибитори + сийдик хайдовчи ДВ
 - АПФ ингибитори + Ca^{+++} ионлари антогонисти
- 3-4 препаратдан иборат комбинациясини қўллаш
 - альфа - адреноблокатор + АПФ ингибитори + сийдик хайдовчи ДВ
 - альфа - адреноблокатор + Ca^{++} ионлари антогонисти + сийдик хайдовчи ДВ + альфа-адреноблокатор.

В саволига жавоб:

- Бирламчи мақсад - АБ секинлик билан тушириш:
 - Нифедипин, коринфар реч ос ёки сублингвал ½ таб. дан.
 - Клофелин
 - Натрий нитропруссид (кўз тўрпардасига қон қуйилганда, мия томирларини ауторегуляциясинияхшилаш, аорта аневризмасининг бузилишида)
 - Ca^{++} ионлари антогонисти альфа – адреноблокаторлар (обзидан)
 - АПФ ингибиторлари - каптоприл тил остига

Г саволига жавоб:

- клофелин- альфа - адренорецепторларнинг порциал агонисти ҳисобланади.
- метилдофа ҳам- альфа - адренорецепторларнинг порциал агонисти ҳисобланади.

- мексинидин пре- ва постсинаптик - *альфа* - адренорецепторларнинг агонисти ҳисобланади.

Д саволига жавоб.

- апрессин
- дибазол
- папаверин
- мағния сульфат

Е саволига жавоб.

- арфонад
- гирроний
- пептамин
- бензогексоний

Ж саволдига жавоб.

- натрия нитропруссид


КЛАСТЕР

«Гиполипидемик препаратлар»

Кластер талабаларга «Гиполипидемик препаратлар» тўғрисидаги билимларини тиизимлашда ёрдам беради.

1. Вазифа: «Гиполипидемик препаратлар» Кластерни тўлғазиш
2. Вазифанинг ечими:

Синф тахтаси ўртасига «Гиполипидемик препаратлар» ассоциация усулида кичик бўлган доираларга «йўлдош» сўзларни ёзилади – мавзуга боғлиқ сўзлар. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар билан боғланади. Бу «йўлдош» сўзларнинг «кичик йўлдош»лари бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзишни ажратилган вақт тугагунга қадар ёки барча идеялар тугагунча олиб борилади. Муҳокама учун кластерлар билан алмашилади.



Т схема

Ушбу метод препаратларнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганган холда талабаларга «Клофелин препаратининг афзалликлари ва камчиликлари»ни тўлиқроқ ўрганишга ёрдам беради.

Масала: 1. «Клофелин препаратининг афзалликлари ва камчиликлари» ҳақидаги маълумотларни «Т схемага» жойлаштиринг

Масаланинг ечими: Ўқитувчи «Т схема» схемасини тўлдиришни таклиф қилади. Барча саволларга жавоблар ёзилгандан кейин муҳокама қилинади

Ушбу метод препаратларнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганган холда талабаларга цефалоспориинлар гуруҳи препаратларини тўлиқроқ ўрганишга ёрдам беради.

Т—схема

«Клофелин препаратининг афзалликларива камчиликлари»

Афзалликлари	Камчиликлари

Т—схема

«Клофелин препаратининг афзалликларива камчиликлари»

Афзалликлари	Камчиликлари
Перисинаптик альфа ₂ –адренорецепторлари қўзғатади, импульсларнинг ўтказувчанлигини сусайтиради.	Клофелин МНСда прессор марказларни томир барорецепторларининг рефлектор таъсирларини сусайтиради
Катта дозаларда постсинаптик альфа ₁ адренорецепторы қўзғатади	“олиб ташлаш синдроми”ни чақиради
ФК. сублингвал, ичишга, м/о, в/и, буйрак ва жигар орқали ажралади	Препаратнинг биоўзлаштирилиши юқори (75-95%) жигар ва буйрак етишмовчиликларида дозани коррекция қилиш керак
Ўзаро таъсир: Клофелин диуретиклар ва бета- адреноблокаторлар билан комбинаци қилиш мумкин	Резерпин билан бир вақтда буюриш мумкин эмас

Кластер.

«Антигипертензив Клофелин препаратининг ножўя таъсирлари».

Кластер антигипертензив препаратлардан клофелин ножўя таъсирларини системалаш бўйича талабаларнинг билимларини оширади.

2. Вазифа: антигипертензив клофелин препаратини ножўя таъсирини аниқлаш.

3. Масаланинг ечими: «Антигипертензив Клофелин препаратининг ножўя таъсирлари» кластерини тўлдириш.

Доска ёки катта лист ўртасида «Антигипертензив Клофелин препаратининг ножўя таъсирлари» деб ёзилади.

Доирадаги асосий сўзга ёндош бўлган доираларга кичик хажмдаги доира «йўлдош»ларга мавзуга доир бўлган сўзлар еки гаплар ёзилади. Уларни «асосий» сўз билан туғри чизик орқали боғланилади. Ёзиш маълум вақтгача ёки ҳамма идеяларни ёзиб битиргунча олиб борилади. Кластерлар билан алмашилиб, ўз фикр мулоҳазаларини билдирадилар.



Тарқатма материал:

1. Рецепттура минимуми
2. ТБВ
3. Назарий қисмдан таблица ва баҳолаш варақалари.

Тестлар таркатма материалда. Жавоблар:

1: 1, 3; 2: 1, 3, 5; 3: 1- B, 2- A, 3- B, 4-Г, 5 – Д; 4: 1, 2; 3; 4; 5: 1, 2, 3, 4; 6: 1, 4; 7: 1, 2, 3; 8: 1, 2, 3, 4; 9: 1, 2, 3, 4; 10: 1, 2; 11: 1,2,3,4,5; 12: 1,2,3,4,5; 13: 1,4,5; 14: 1,2,4; 15: 1,3,4,5; 16: 1- Г, 2-Б, 3-Д, 4-В, 5- А ; 17: 2,6,7; 18:1; 19: 1,2; 20:1,6; 21: 1,3,5; 22: 1,2,3,4,5,6; 23: 1,2,3,4,

Вазиятли масалалар.

1. Гипертоник кризда клофелинни юбориш йўли ва тартибини танланг.
➤ Жавоб: Юбориш йўли в/и, ампуладаги 1 мл эритма 10-20 мл натрий хлорнинг 0,9% изотоник эритмасида аралаштириб 3-5 минут давомида секин юборилади.
2. Инфаркт миокарди бўлган беморга оғриқ қолдириш мақсадида дори танланг.
➤ Жавоб: Клофелин препарати в/и 3-5 минут давомида секин қуйилади.

Баҳолаш мезонлари

Балл	Баҳо	Мавзу: Томир тонусига таъсир қилувчи ва гиполипидемик препаратлар клиник фармакологияси. Томир тонусига таъсир қилувчи фитопрепаратлар.
86-100	Аъло	Талаба билади: Антигипертензив ва гиполипидемик дори воситаларининг классификациясини, уларнинг ФД, ФК, НЭ, кўрсатма, қарши кўрсатма, бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсирларини билади ва буларни билган ҳолда препаратларни бехатарлигини таъминлай олади. Талаба препаратларнинг, дозалаш тартибини туғри ёзиб бера олади, вазиятли масалаларни туғри бажаради, тест саволларига туғри жавоб беради. Конспектлари ва препаратларга баҳолаш варақалари мавжуд.
71-85	Яхши	Талаба билади: Антигипертензив ва гиполипидемик дори воситаларининг классификациясини. Уларнинг ФД, ФК билади, НЭ, кўрсатма, қарши кўрсатма, бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсирларини тўлиқ билмайди. Фармакотерапиянинг самарадорлигини баҳолай олади. Талаба препаратларнинг, дозалаш тартибини туғри ёзиб бера олади, вазиятли масалаларни туғри бажаради, тест саволларига туғри жавоб беради. Конспектлари ва препаратларга баҳолаш варақалари мавжуд.
55-70	Қониқарли	Талаба билади: Талаба классификациядаги препаратларни тўлиқ билмайди. Препарат чақирган эффектларни билади, аммо таъсир механизмини тушинтириб бера олмайди, ФК, ножўя таъсирларни, ёки ўзаро таъсирларини тулиқ; билмайди. Препаратларни эффективлигини баҳолай олади, хавфсизлигини таъминлай олмайди. Талаба вазиятли масалани бажара олади, рецепт ёзишда хатога йўл қўяди, тест саволларини ечишда хатога йўл қўяди. Конспектлари ва препаратларга баҳолаш варақалари мавжуд.
<55	Қониқарсиз	Талаба классификациядаги препаратларни тўлиқ билмайди, уларни ФД, ФК, кўрсатма, қарши кўрсатма, ножўя таъсир, ўзаро таъсирларини билмайди. Вазиятли масалаларни бажара олмайди, тест саволларига нотўғри жавоб беради. Конспектлари йўқ. Мавзу муҳокамаида пассив иштирок этади.

Назорат саволлари:

1. Антигипертензив ва гиполипидемик ДВлар таснифи.
2. Антигипертензив ва гиполипидемик ДВлар ФД, ФК.
3. Антигипертензив ва гиполипидемик ножўя таъсирлари.
4. Антигипертензив ва гиполипидемик ДВлар қўлланилишига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.
5. Антигипертензив ва гиполипидемик ДВларни бошқа дори воситалар билан ўзаро таъсири.
6. Гипертоник криз фармакотерапияси тактикаси.
7. Коллапс ҳолати фармакотерапияси тактикаси.

Машғулот № 5

Мавзу: Диуретиклар клиник фармакологияси. Сийдик хайдовчи шифобахш ўсимликлар.

Машғулотни давомилиги: 4 соат	
Машғулотни ўтказиш режаси	
Машғулот мақсади:	Диуретиклар клиник фармакологияси. Сийдик хайдовчи шифобахш ўсимликлар.
Педагог вазифалари: 1. Диуретик ДВларни таснифи билан талабаларни таништириш; 2. Диуретик ДВларни ФД, ФК, қўлланилиши га кўрсатмалар, самарадорлигини аниқлаш билан талабаларни таништириш; 3. Ўтказилаётган фармакотерапияни эффективлигини ва бехатарлигини таъминлашини талабаларга ургатиш; 4. Ножўя таъсирларни ривожланишини олдиндан кўра билиш, олдини олиш ва коррекция қила билишини талабаларни ўргатиш;	Ўқув процессини натижалари: Талаба билиш керак: 1. Диуретик ДВларни таснифини; 2. Диуретик ДВларни ФД, ФК, қўлланилишига кўрсатмалар, самарадорлигини аниқлашни ва бехатарлигини таъминлашни; 3. Ножўя таъсирларни ривожланишини олдиндан кўра билиш, олдини олиш ва коррекция қила билишини;
Ўқитиш усуллари	Блиц-суров, интерактив методлар («Мия хужуми»), Кластер, вазиятли масалалар, тестлар
Ўқитиш шакллари усуллари	Индивидуал/ коллективда/ кичик гуруҳларда ишлаш/, Кластер, Т-схема, вазиятли масалалар, тестлар
Ўқитиш воситалари	Тарқатма материаллар, вазиятли масалалар, тестлар
Қайта алоқа манбалари ва воситалари	Блиц-сўров/ тест ўтказиш (мослигига)/ берилган вазифаларни натижасини презентацияси ва б.к.

Назарий қисм:

Кўриб чиқиладиган саволлар:

1. Диуретик воситалар таснифи.
2. Диуретик препаратларнинг ФД ва ФКси.
3. Қўлланилишига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар.
4. Ножўя ва ўзаро таъсирлари.
5. Самарадорлигини назорат қилиш ва ҳафвсизлигини таъминлаш.
6. Диуретик таъсирга эга шифобахш ўсимликлар.

Машғулот ўтказиш режаси.

1. Йўқлама
 2. Талабаларни машғулотнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш
 3. Уй вазифаларини текшириш (блокнот, конспект, рецептлари).
 4. Актив савол-жавоб:
 5. Тест топшириқларини муҳокама қилиш.
 6. Вазиятли масалаларни муҳокама қилиш
 7. Интерактив усулларни ўтказиш сценариси
 8. Резюме
 9. Билимларни баҳолаш.
 10. Хужжатларни тўлдириш конспектга ва ўқув журнаliga балл қўйиш).

- конспектга балл қўйиш
- талаба журналига балл қўйиш

Амалга ошириш усуллари:

1. Тарқатма материаллар
2. Топшириқларни бажариш № 1 – 3
3. Интерактив ўқитишни ўтказиш сценарийси
4. Тест саволлари
5. Вазиятли масалалар

Топшириқлар 1-3:

Топшириқ №1. Rp - блокнот тўлдириш (Рецептур минимум)

Топшириқ №2. Мавзу бўйича ДВ рецептини ёзиш

№	ДВ рецептларини ёзиш	Ўқитувчи эслатмаси
1.	Rp: Furosemidi 0,04 D.t.d. № 10 intab. S: 2 таб 1 маҳал кунига нахорга (12 ёшли бола)	Таблеткани сув билан нахорда ичилади.
2.	Rp: Sol. Furosemidi 1% - 2 ml D.t.d. № 3 in amp. S: 2 мл в/и физ.эритма (7 ёшли бола)	Фуросемидни м/о, в/ига юбориш мумкин.Форсирланган диурез учун, захарланишларда инфузион эритма кўринишида юборилади.
3.	Rp: Tab. Veroshpironi 0.025 D.t.d. № 20 S: 1 таб 4 маҳал кунига овқатдан кейин (5 ёшли бола)	5 кун мобайнида 1таб 4 маҳал, кейин 1таб 2-3 маҳал кунига.
4.	Rp: Manniti 30.0 50 мл физ.растворга эритилиб ва 20мл в/и ичига юборилади. (бола 5 ёш)	Юборишдан олдин 15-20%ли эритма физиологик эритмага тайёрланиб в/ига 80-90 томчи минутига юборилади.

Топшириқ №3. препаратлар бўйича ДВБВ :

Мавзу бўйича минимумга киритилган препаратларни (оғзаки ёки ёзма) ўзлаштириш	Тўлдирилади:
• Чиқариш шакли, дозаси, юбориш йўли.	Фуросемид, Верошпирон
• кўрсатма	(тарқатма материал) препаратларига
• ФДваФК	баҳолаш варақаси тўлдирилади
• Қаршикўрсатма	
• Ножўя таъсирлар	
Ўзаро таъсир	

Топшириқ № 3 Фуросемид препаратига БВ тўлдириш

Препарат (гр)	Кўрсатма	Чиқариш шакли	ФД ва ФК	Қарши кўрсатма	Ножўя таъсирлари	Ўзаро таъсирлари
Фуросемид (Лаз икс)	-артериал гипертензия -гипертоник криз -ўткир ва сурункали юрак етишмовчилиги -турли этиологиияли ўпка шиши -турли этиологиияли мия шиши - ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги -гиперкалиемия -гиперкальциемия	Таблеткалар 0,04. Амп. 1%-2 мл. Суткаси га 1-2 мг/кг кунига 1 маҳал.	ФД :Халқали диуретиклар бирламчи сийдикка келиб тушиб Генли қовузлоғининг юқорига кўтариладиган йўғон қисмига келиб, С1 ионларининг— ташишга қарам бўлган энергетик механизмни блоклайди. С1 ионларнинг реабсорбцияси пасаяди.шу билан бирга Na ⁺ К ионлари ва сувнинг реабсорбциясини пасайтиради. Ундан ташқари бу гуруҳ препаратлари Са ⁺⁺ ва Mg ⁺⁺ ионларнинг реабсорбциясини секинлатиб, сийдик билан ажралиб чиқишини кучайтиради. ФК. Фуросемид ичишга буюрилганда яхши сўрилади, биоэришувчанлик 26-70%, таъсирнинг бошланиши 30-60 мин. кейин, максимал эффекти 1-2 соат, таъсир давомийлиги 6-8соат.В/и юборилганда таъсир 5-10 мин. сўнг бошланиб, максимал эффекти 20-60 мин. таъсир давомийлиги 2-4 соат. Қондаги оксил билан боғланиши 91-97%, жигарда биотрансформацияга учраб, 88% сийдик билан 12% нажас билан ажралиб чиқади.	24 соатдан кўп бўлган анурия, олигурия, жигар комаси. гипонатриемия. гипомагниемия, Гиперурекемик алкалоз. гипотония, системали қизил югирик. панкреатит.	Гипохлоремик метаболик алкалоз, гипонатриемия.гипокалиемия. гипомагниемия, гиперурикемия. артериал гипотония. Организмнингдег Идратциясива қоннинг реологик хусусиятларининг бузилиши, диспептик бузилишлар, гиперкалиемия.	Бошқа диуретик доривоситалар антигипертензив ДВ,юрак етишмо вчил итида кўлланиладиган ДВ билан кўллаш мақсадга мувофиқ, аммо ЮГ билан кўллаганда гипокалемия келиб чиқиш хафвиюқори,қон оксилларига ўхшаш препаратлар (клофибрат) билан эхтиёт бўлиш керак, чунки сиқиб чиқаради. Нефротоксик, ототоксик ва НЯКВ билан мумкин эмас.

Топширик № 3 Верошпирон препаратига БВ тўлдириш

Препарат (гр)	Кўрсатма	Чиқариш шакли	ФД ва ФК	Қарши кўрсатма	Ножўя таъсирлари	Ўзаро таъсирлари
Верошпирон (спиронолактон)	-артериал гипертензия -гипертоник криз -ўткир ва сурункали юрак етишмовчилиги -турли этиологиияли ўпка шиши -турли этиологиияли мия шиши - ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги -гиперкалиемия -гиперкальциемия	Таблеткалар 0,04. Амп. 1%-2 мл. Суткаси га 1-2 мг/кг кунига 1 маҳал.	ФД :Халқали диуретиклар бирламчи сийдикка келиб тушиб Генли қовузлогининг юқорига кўтариладиган йўғон қисмига келиб, С1 ионларининг— ташишга қарам бўлган энергетик механизмни блоклайди. С1 ионларнинг реабсорбцияси пасаяди.шу билан бирга Na ⁺ К ионлари ва сувнинг реабсорбциясини пасайтиради. Ундан ташқари бу гуруҳ препаратлари Са ⁺⁺ ва Mg ⁺⁺ ионларнинг реабсорбциясини секинлатиб, сийдик билан ажралиб чиқишини кучайтиради. ФК. Фурасемид ичишга буюрилганда яхши сўрилади, биоэришувчанлик 26-70%, таъсирнинг бошланиши 30-60 мин. кейин, максимал эффекти 1-2 соат, таъсир давомийлиги 6-8соат.В/и юборилганда таъсир 5-10 мин. сўнг бошланиб, максимал эффекти 20-60 мин. таъсир давомийлиги 2-4 соат. Қондаги оқсил билан боғланиши 91-97%, жигарда биотрансформацияга учраб, 88% сийдик билан 12% нажас билан ажралиб чиқади.	24 соатдан кўп бўлган анурия, олигурия, жигар комаси. гипонатриемия. гипомагниемия, Гиперурекемик алкалоз. гипотония, системали қизил югирик. панкреатит.	Гипохлоремик метаболик алкалоз, гипонатриемия. гипокалиемия. гипомагниемия, гиперурикемия. артериал гипотония. Организмнингдег Идратциясива қоннинг реологик хусусиятларининг бузилиши, диспептик бузилишлар, гиперкалиемия.	Бошқа диуретик доривоситалар антигипертензив ДВ, юрак етишмо вчил итида қўлланиладиган ДВ билан қўллаш мақсадга мувофиқ, аммо ЮГ билан қўллаганда гипокалемия келиб чиқиш хавфиюқори,қон оқсилларига ўхшаш препаратлар (клофибрат) билан эҳтиёт бўлиш керак, чунки сиқиб чиқаради. Нефротоксик, ототоксик ва НЯКВ билан мумкин эмас.

Ўқитишнинг интерактив усуллари (сценарий).

«Мия хужуми» усули

Мавзунини танлаш: Сийдик хайдовчи ДВлар

Савол танлаш:

- А. Диуретик ДВларни қўлланилишига кўрсатмалар
- Б. Қовузлок диуретиклар препаратлари
- В. Осмотик диуретиклар препаратлари
- Г. Карбангидраза ингибиторлари
- Д. Калийнисаклаб қолувчи диуретик препаратлар

Қатнашчиларга вазифаларини тушунтириш: қисқа вақт ичида (масалан 10 минут) максимал ўз фикрларини билдириш лозим.

Котиб танлаш - талабалар ичидан, доскага барча фикрларни ёзиб бориш (флип-картага, плакатга)

Талабаларнинг жавобларига ҳеч қандай салбий баҳо бермаслик. Агар қатнашувчилар қийналса - педагог ўйлашга вақт беради ёки уларга бошлаб беради

А саволига жавоб.

- ўпкани токсик шиши
- мия шиши давоси ва профилактикаси
- интоксикацияларда
- глаукомада
- мия ички босими ошганда
- бош мия ёпиқ травмасида
- артериал гипертензияда
- қон айланиш етишмовчилигида
- қандсиз диабетда

Б саволига жавоб.

- фурасемид
- буметанид
- этакрин кислотаси
- гипотиазид
- оксодолин
- клопамид

В саволига жавоб.

- маннит
- маннитол
- мочевина

Г саволига жавоб.

- диакарб

Д саволига жавоб.

- спиронолактон
- триамтерен
- амилорид
- канреонат калий

«Мия хужуми» усули

1. Мавзунини танлаш: Диуретик ДВларни қўлланилишига кўрсатмалар.

2. Савол танлаш:

1. Диуретикларни қўлланилишига кўрсатмалар:

- а) қовузлоқ диуретиклари,
 - б) осмотик диуретиклар,
 - в) альдестерон антогонистлари,
 - г) карбонгидраза ингибиторлари.
2. Диуретикларни қўлланилишига қарши кўрсатмалар.
 3. Бошқа ДВлар билан ўзаро таъсирлари.
 4. Диуретикларни самарадорлиги назорати.

Қатнашчиларга вазифаларини тушунтириш: қисқа вақт ичида (масалан 10 минут) максимал ўз фикрларини билдириш лозим.

Котиб танлаш - талабалар ичидан, доскага барча фикрларни ёзиб бориш (флип-картага, плакатга)

Талабаларнинг жавобларига ҳеч қандай салбий баҳо бермаслик. Агар катнашувчилар қийналса - педагог ўйлашга вақт беради ёки уларга бошлаб беради

Қўлланилишига кўрсатмалар:

1. Қовузлоқ диуретиклари қўлланилишига кўрсатмалар.

Жавоб:

- 1) Артериал гипертензия.
- 2) ўткир ва сурункали сув-туз алмашинуви бузилишлари, ЎЮҚЕ, СЮҚЕ.
- 3) буйрак етишмовчилиги (ЎБЕ, СБЕ)
- 4) жигар етишмовчилиги
- 5) эндокрин касалликлар
- 6) шиш синдроми.
- 7) ўткир интоксикациялар (захарланишлар).
- 8) чақалоқлар асфиксияси.
- 9) турли этиологияли ўпка шиши.
- 10) турли этиологияли мия шиши.
- 11) гиперкалиемия.
- 12) гиперкальциемия.

2. Осмотик диуретикларни қўлланилишига кўрсатмалар.

Жавоб:

- 1) Ўпканинг токсик шиши.
- 2) Мия шиши давоси ва профилактикаси (бош мия очик травмаларида ва менингитда мумкин эмас).
- 3) Сепсис.
- 4) Куйишдан кейинги шок.
- 5) ДВлар билан захарланиш (барбитуратлар, сульфаниламидлар, салицилатлар, борат кислотаси, силга қарши воситалар билан).
- 6) Глаукома.
- 7) Буйрак етишмовчилиги хавфи юқори бўлган беморларда ЎБЕ профилактикаси.

3. Альдестерон антогонистларини қўлланилишига кўрсатмалар.

Жавоб:

- 1) Бирламчи гиперальдостеронизм (Конн касаллиги).
- 2) Иккиламчи гиперальдостеронизм.
- 3) СЮЕ.
- 4) Буйрак усти бези аденомасида альдестерон ажралиши бузилишлари.
- 5) Артериал гипертензия.
- 6) Гипокалиемия.
- 7) Гипокалиемия профилактикаси.
- 8) Жигар циррози.

9) Нефротик синдром.

4. Карбонгидраза ингибиторларини қўлланилишига кўрсатмалар.

Жавоб:

- 1) Эпилепсия.
- 2) Глаукома.
- 3) Қон айланиши бузилишлари.
- 4) Юрак-ўпка етишмовчилиги.
- 5) Гиперфосфатемия.
- 6) Метаболик алкалоз.
- 7) Ўткир Кессон касаллиги


КЛАСТЕР
«Диуретик препаратлар»

Кластер талабаларга «Диуретик препаратлар» тўғрисидаги билимларини тиизимлашда ёрдам беради.

1. Вазифа: «Диуретик препаратлар» Кластерни тўлғазиш

2. Вазифанинг ечими:

Синф тахтаси ўртасига «Диуретик препаратлар» ассоциация усулида кичик бўлган доираларга «йўлдош» сўзларни ёзилади – мавзуга боғлиқ сўзлар. Уларни “асосий” сўз билан чизиклар билан боғланади. Бу «йўлдош» сўзларнинг «кичик йўлдош»лари бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзишни ажратилган вақт тугагунга қадар ёки барча идеялар тугагунча олиб борилади. Мухокама учун кластерлар билан алмашилади.



Т схема

Ушбу метод препаратларнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганган ҳолда талабаларга «Верошпирон препаратининг афзалликлари ва камчиликлари»ни тўлиқроқ ўрганишга ёрдам беради.

Масала: 1. «Верошпирон препаратининг афзалликлари ва камчиликлари» ҳақидаги маълумотларни “Т схемага” жойлаштиринг

Масаланинг ечими: Ўқитувчи «Т схема» схемасини тўлдиришни таклиф қилади. Барча саволларга жавоблар ёзилгандан кейин муҳокама қилинади

Ушбу метод препаратларнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганган ҳолда талабаларга цефалоспоринлар гуруҳи препаратларини тўлиқроқ ўрганишга ёрдам беради.

Т—схема

«Верошпирон препаратининг афзалликларива камчиликлари»

Афзалликлари	Камчиликлари

Т—схема

«Верошпирон препаратининг афзалликлари ва камчиликлари»

Афзалликлари	Камчиликлари
Пресинаптик альфа ₂ –адренорецепторлари кўзғатади, импульсларнинг ўтказувчанлигини сусайтиради.	Клофелин МНСда прессор марказларни томир барорецепторларининг рефлектор таъсирларини сусайтиради
Катта дозаларда постсинаптик альфа ₁ адренорецепторы кўзғатади	“олиб ташлаш синдроми”ни чақиради
ФК. сублингвал, ичишга, м/о, в/и, буйрак ва жигар орқали ажралади	Препаратнинг биоўзлаштирилиши юқори (75-95%) жигар ва буйрак етишмовчиликларида дозани коррекция қилиш керак
Ўзаро таъсир: Клофелин диуретиклар ва бета- адреноблокаторлар билан комбинация қилиш мумкин	Резерпин билан бир вақтда буюриш мумкин эмас

Тарқатма материал:

1. Рецептúra минимуми
2. ТБВ
3. Назарий қисмдан табица ва баҳолаш варақалари.

Тестлар тарқатма материалда. Жавоблар:

1: 1, 3; 2: 1, 3, 5; 3: 1- В, 2- А, 3- Б, 4-Г, 5 – Д; 4: 1, 2; 3; 4; 5: 1, 2, 3, 4; 6: 1, 4; 7: 1, 2, 3; 8: 1, 2, 3, 4; 9: 1, 2, 3, 4; 10: 1, 2; 11: 1,2,3,4,5; 12: 1,2,3,4,5; 13: 1,4,5; 14: 1,2,4; 15: 1,3,4,5; 16: 1- Г, 2-Б, 3-Д, 4-В, 5- А; 17: 2,6,7; 18:1; 19: 1,2; 20:1,6; 21: 1,3,5; 22: 1,2,3,4,5,6; 23: 1,2,3,4,

Вазиятли масала.

Бемор хаво етишмаслиги, холсизлик, хансирашга шикоят қилади.

Объектив кўрувда: акроцианоз, мажбурий холат, шиш, пульс тез ва суст, юрак тонлари бўғиклашган, жигар размерлари + 2,5, 1, 3,5 см. катталашган

Буюрилган: строфантин 0,05% ва фуросемид 1% - 1 мл.дан в/и.

Фармакотерапининг рационаллигини баҳоланг ва хавфсизлигини таъминланг.

Жавоб: Фармакотерапия рационал буюрилган.

Давонинг хавфсизлигини таъминлаш учун беморнинг субъектив кечинмаларини назорат қилиш, юрак уришлар сони, пульс, ЭКГда RQинтервали назорати олиб бориш.

Баҳолаш мезонлари

Балл	Баҳо	Мавзу: Диуретиклар клиник фармакологияси. Сийдик хайдовчи шифобахш ўсимликлар.
86-100	Аъло	Талаба билади: Диуретик дори воситаларининг классификациясини, уларнинг ФД, ФК, НЭ, кўрсатма, қарши кўрсатма, бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсирларини билади ва буларни билган ҳолда препаратларни бехатарлигини таъминлай олади. Талаба препаратларнинг, дозалаш тартибини туғри ёзиб бера олади, вазиятли масалаларни туғри бажаради, тест саволларига туғри жавоб беради. Конспектлари ва препаратларга баҳолаш варақалари мавжуд.
71-85	Яхши	Талаба билади: Диуретик дори воситаларининг классификациясини. Уларнинг ФД, ФК билади, НЭ, кўрсатма, қарши кўрсатма, бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсирларини тўлиқ билмайди. Фармакотерапиянинг самарадорлигини баҳолай олади. Талаба препаратларнинг, дозалаш тартибини туғри ёзиб бера олади, вазиятли масалаларни туғри бажаради, тест саволларига туғри жавоб беради. Конспектлари ва препаратларга баҳолаш варақалари мавжуд.
55-70	Қониқарли	Талаба билади: Талаба классификациядаги препаратларни тўлиқ билмайди. Препарат чақирган эффектларни билади, аммо таъсир механизмини тушинтириб бера олмайди, ФК, ножўя таъсирларни, ёки ўзаро таъсирларини тулиқ билмайди. Препаратларни эффективлигини баҳолай олади, хавфсизлигини таъминлай олмайди. Талаба вазиятли масалани бажара олади, рецепт ёзишда хатога йўл қўяди, тест саволларини ечишда хатога йўл қўяди. Конспектлари ва препаратларга баҳолаш варақалари мавжуд.
<55	Қониқарсиз	Талаба классификациядаги препаратларни тўлиқ билмайди, уларни ФД, ФК, кўрсатма, қарши кўрсатма, ножўя таъсир, ўзаро таъсирларини билмайди. Вазиятли масалаларни бажара олмайди, тест саволларига нотўғри жавоб беради. Конспектлари йўқ. Мавзу муҳокамасида пассив иштирок этади.

Назорат саволлари:

1. Диуретик ДВлар таснифи.
2. Диуретик ДВлар ФД, ФК.
3. Диуретик ножўя таъсирлари.
4. Диуретик ДВлар қўлланилишига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.
5. Диуретик ДВларни бошқа дори воситалар билан ўзаро таъсири.
6. Самарадорлиги ва бехатарлиги критерийлари назорати

Машғулот № 6

Мавзу: Антибиотиклар клиник фармакологияси.

Машғулотни давомилиги: 4 соат	
Машғулотни ўтказиш режаси	
Машғулот мақсади:	Антибиотикларнинг клиник-фармакологик характеристикасини ўргатиш: ФД, ФК, ножўя таъсирлари, ДВнинг чиқарилиш шакли, концентрацияси, дозаси ва ДВ юборилиш йулларини.
Педагогик вазифалар: 1. Антибактериал ДВларнинг таъсир механизми, таъсир спектри ва классификацияларини талабаларга ўргатиш. 2. Антибиотикотерапия принципларини талабаларга ўргатиш. 3. Антибиотикларнинг қўлланилишига кўрсатмаларни ва самарадорлигини баҳолашни талабаларга ўргатиш. 4. Антибиотикларнинг ножўя ва ўзаро таъсирларини ўргатиш 5. Самарадорлиги ва бехатарлигини назорати критерийларини	Ўқув жараёнини натижалари: Талаба билиш керак: 1. Антибиотикларнинг классификациялари 2. Антибиотикотерапия принциплари 3. Антибиотикларнинг классификациялари, ФД, ФКси. 4. Антибиотикларнинг қўлланилишига кўрсатмалар. 5. ФТ нинг самарадорлигини кузатиш ва бехатарлигини таъминлаш: қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлар ва уларнинг коррекцияси 6. Антибактериал дори воситалар ва антибиотикларнинг бир бири билан ва бошқа ДВлар билан ўзоро таъсири.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Блиц-суров, интерактив методлар («Стол марказидаги ручка»), Инцидент, Венн диаграммаси, вазиятли масалалар, тестлар
<i>Ўқитишни ташкиллаштириш усуллари</i>	Индивидуал/ коллективда/ кичик гуруҳларда ишлаш/ вазиятли масалалар, тестлар
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материаллар, вазиятли масалалар, тестлар
<i>Қайтар алоқа манбалари ва воситалари</i>	Блиц-суров/ тест ўтказиш (мослигига)/берилган вазифаларни натижасини презентацияси ва б.к.

Кўриладиган саволлар рўйхати:

1. Антибактериал ДВлар ва антибиотикларнинг классификациялари
2. Антибиотикотерапия принциплари
3. Антибиотикларнинг классификациялари, ФД, ФКси.
4. Антибиотикларнинг қўлланилишига кўрсатмалар.
5. ФТ нинг самарадорлигини кузатиш ва бехатарлигини таъминлаш: қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлар ва уларнинг коррекцияси
6. Антибактериал дори воситалар ва антибиотикларнинг бир бири билан ва бошқа ДВлар билан ўзоро таъсири.

Машғулот режаси:

10ёш	МД: $1500 : 4 = 375 \text{ мг} = 1 \text{ таб.}$
Rp: Tienami 60 ml D.t.d. № 7 S: 18 мл дан х 4 махал в/и 6⁰⁰, 12⁰⁰, 18⁰⁰, 24⁰⁰	Фл. 60 мл эритмада 0,25 имипенем ва 0,25 циластатин. Имипенемга хисобланади. 15 мг/кг – 5ёш - 20 кг СД = $15 \text{ мг/кг} \times 20 \text{ кг} = 300 \text{ мг} = 0,3 \text{ г}$ МД = $0,3 \text{ г} : 4 \text{ махал} = 0,075 \text{ г}$ 60 мл - 0,25 X мл - 0,075 x = 18 мл
Rp: Aztreonami 0,5 D.t.d. № 7 S: флакондаги куруқ моддани 5 мл 0,5 % ли новокаин эритмасида эритиб 1,5 мл (150 мг) суткасига 4 махал м/о 5 ёшли болага. 6⁰⁰, 12⁰⁰, 18⁰⁰, 24⁰⁰	5 ёш: 20 кг, 30 мг/кг/сут. СД = $30 \text{ мг/кг} \times 20 \text{ кг} = 600 \text{ мг}$ МД = $600 \text{ мг} : 4 \text{ раза} = 150 \text{ мг}$ 5 мл – 500 мг X мл – 150 мг x = 1,5 мл
Rp: Rocefini 0,25 D.t.d. № 7 S: флакондаги куруқ моддани 2 мл 1% лидокаинда эритиб 0,5 мл (60 мг) дан м/о 1 махал. 9⁰⁰	М/окучли оғриқ берганлиги учун роцефин 1% лидокаинда эритилади, суткасига 1 махал. 20-50 мг/кг - новорож. - 3 кг СД = МД = $20 \text{ мг/кг} \times 3 \text{ кг} = 60 \text{ мг}$ 2 мл – 250 мг X мл – 60 мг x = 0,2 мл

Топшириқ № 3 препаратларга ТФВ тўлдириш

Мавзу бўйича мажбурий минимумни билиш (оғзаки ва (ёки) ёзма) препарат (группа) • Чиқариш шакли, дозаси, юбориш йўли. • Кўрсатмалар • ФД ва ФК • Қарши кўрсатмалар • Ножўя таъсирлар • Ўзаро таъсирлар	Препаратларга ТФВ тўлдириш: Бензилпенициллин, Амоксиклав, Клафоран, Азитромицин (таркатма материал).
---	--

Талабанинг препаратга клиник фикрлашни баҳолаш варақаси. Пенициллин группаси Бензилпенициллин.

Препарат (группа)	Кўрсатмалар	Чиқариш шакли, дозаси, юбориш йўли	Фармакодинамика Фармакокинетика	Қарши кўрсатмалар	Ножўя таъсирлар	Ўзаро таъсирлар
Антибиотиклар группаси Табиий пенициллинлар: Бензилпенициллин натрий Benzylpenicillinum natrium	Пневмония, дифтерия, менингит, сепсис, анаэроб инфекция, сийдик чиқариш органлари инфекциялари, пиелонефрит, гломерулонефрит, отит, сифилис, актиномикоз, ангина, скарлатина, ярали инфекция, септик эндокардит.	Фл. 0,5 ва 1,0 в/и, в/м 100 мг/кг Суткасига 3 – 4 марта. Суткасига 4,0 дан ошмасин (20 млн менингитда)	ФД: Митоз вақтида хужайра девори ҳосил бўлишини бузади, адгезинлар синтезини бузади. ФЭ: бактерицид. Таъсир спектри: Гр+ кокклар, стафилококклар; ФК: Юбориш йўли парэнтерал. М/о - 15 минутдан кейин қонда МТК юзага келади ва 3-4 соат сақланади. В/и максимал концентрация - дархол. Қондаги оксиллар билан боғланиши-40-60%. Тарқалиши: синовиал ва плеврал суюқликда, шиллик пардаларда, ўпкада, буйракда, юракда, ичак деворида қондаги микдорига нисбатан - 25-50% ГЭБ дан ёмон ўтади, менингитда 10 %. Биотрансформацияга учрамай, ўзгармаган ҳолда буйрак каналчаларидан филтрация ёрдамида чиқади. Чақалоқларда биринчи ҳафтада бу процесс секинроқ ўтади.	Аллергик реакциялар	Аллергик реакциялар Қонда юқори концентрацияларда нейротоксик эффектлар юзага келади: галюцинация ва талвасалар (ГАМК га антагонист)	Бензилпенициллин ишқорлар, оғир ва ишқорийер металлари тузлари, гепарин, гентамицин, линкомицин, левомецетин, тетрациклин, иммуноглобулин, барбитуратлар, эуфилин билан фармакологик қарама қарши. Макролидлар, тетрациклинлар, полимиксинМ билан фармакодинамик қарама қарши, эффективлигининг сусайиши кузатилади. Бутадион, фуросемид ва глюкокортикоидлар пенициллиннинг элиминациясини тезлаштиради. Аминогликозидлар, цефалоспоринлар ва монобактамлар билан синергист.

Талабанинг препаратга клиник фикрлашни баҳолаш варақаси. Амоксиклав препарати

Препарат (группа)	Кўрсатмалар	Чиқариш шакли, дозаси, юбориш йўли	Фармакодинамика Фармакокинетика	Қарши кўрсатмала р	Ножуя таъсирлар	Ўзаро таъсирлар
Пеницил линлар группаси (40 мг амоксицил лин и 10 мг клавулан кислотаси)	1. ЛОР органлар ва юқори нафас йўллариининг инфекциялари 2. пастки нафас йўллариининг инфекциялари3. Сийдик ажратиш ва жинсий органлар инфекциялари4. Тери ва юмшоқ тўқималар инфекцияси5. Суяк ва бириктирувчи тўқима инфекцияси6. Холецистит7. парадентал тўқималар инфекцияси6. Абсцесслар, перитонит, қорин бўшлиги органлари операцияларидан кейинги асоратлар.	Таб 375 и 625 мг; суспензия форте 312,5 мг/5мл инъекция учун порошок 600мг и 1200 мг Ичишга: 7ёшдан- 50мг/кг В/и: 3ойгача 30 мг/кг хар12 соатда 3 ой-12 ёш 30 мг/кг 12 ёшдан1,2 г хар 8 соатда.	ФД: Митоз вақтида хужайра девори хосил бўлишини бузади, адгезинлар синтезини бузади. ФЭ: бактерицид. Таъсир спектри: Табиий пенициллинлар спектридан кенг, Гр+ стрептококклар, энтерококклар, стафилококклар; Гр-: эшерихиялар, протеи, гемофилус инфлюэнсэга нисбатан перорал цефалоспоринлар, макролидларга яқин. Клавулан кислота бета- лактамазани ингибирлайди. ФК: Юбориш йўли энтерал ва парэнтерал, МИТдан 30-50% сўрилади. М/о - 87% 3соатда. В/и максимал концентрация -дархол. Қондаги оксиллар билан боғланиши- 18-29%. Тарқалиши: синовиал суюқликда қондаги микдорига нисбатан- 40% (яллиғланишда ошади). Бурун, бронхиал секретда, кўз ёшида,сўлакда-кам. Буйракларда, ўпкада, жигарда, бош мияда яхши тарқалади. Биотрансформацияга учрамай, ўзгармаган холда буйраклар орқали чиқади	Амоксиклавг а ва бошқа пенициллинл арга сезувчанлик нинг ошиши Холестатик сариклик/жи гар дисфункцияс и.	Хазм бўлишининг бузилиши. (кўнгил айнаш, қайд қилиш, диарея, метеоризм), шунинг учун овқат пайтида қабул қилиш керак. Аллергик реакциялар (тошмалар, қичишиш) кузатилиши мумкин, лекин, анафилактик шок кам юзага келади.Баъзида - холестатик сариклик, гепатит, нефрит, гематурия.	Одатда амоксиклав антибактериал монотерапия сифатида ишлатилади. Левомецитин, линкомицин, макролидлар, ристомин ва рифампицинга фармакологик антагонист. Гентамицин, диоксидин, карбенициллин , стрептомицин, сульфанилами- длар, тобрамицин билан синергист

Талабанинг препаратга клиник фикрлашни баҳолаш варақаси. Цефалоспоринлар гуруҳи Клафоран

Препарат (гуруҳ)	Кўрсатмалар	Чиқариш шакли, дозаси, юбориш йўли	Фармакодинамика Фармакокинетика	Қарши кўрсатмалар	Ножўя таъсирлар	Ўзаро таъсирлар
Цефалоспоринларнинг III авлоди: Клафоран син: Цефотаксим	Менингит, сепсис, сибирская язва, плеврит, абсцесс, пневмония, отит, сийдик чиқариш органи инфекциялари, муковисцидоз қорин тифи, сифилис, гонорея. Чақалоқларнинг интенсив терапияси. Суяк, бўғим ва юмшоқ тўқималарнинг инфекциялари.	Фл. 0,5 -1,0 м/о ёки в/и. Чақалоқларга 15 мг/кг, суткасига 2 марта Болалар ва катта ёшдагиларга 30 мг/кг суткасига 3 марта. 2,0/сут дан ошмасин.	ФД: Митоз вақтида хужайра девори ҳосил бўлишини бузади, адгезинлар синтезини бузади. ФЭ: бактерицид. Таъсир спектри: Спектри кенг: Гр(+) стрептококклар, энтерококклар, стафилококклар; Гр (-): эшерихиялар, протеи, псевдомонадалар, серрациялар, морганеллалар, гемофилус инфлюэнсэ ФК: Юбориш йўли парэнтерал, Қондаги оксиллар билан боғланиши- 20-40%. Тарқалиши: ҳамма тўқималарга яхши киради, ГЭБ дан яхши ўтади. Жигар ва буйракларда 40%гача дезацетилланиш реакциясига учраб, актив метаболитлар ҳолида жигар ва буйраклардан чиқиб кетади.	Қайта юборилганда аллергик реакциялар. Қонда эозинфилия, агранулоцитоз, нейтропения кузатилиши мумкин. Юқори дозаларда нефротоксиклик.	Аллергик реакциялар м/о- кучли оғрик, в/и- флебитлар. Нейротоксик эффектлар: галюцинация ва талвасалар.(ГАМ К га антогонист). Гематотоксик эффект: тромбоцитопения, нейтропения коагулопатиялар (эпоксидредуктаза ни ингибирлаб вит. К ни актив формага ўтишига тўсқинлик қилади). Гепатотоксиклик, антабуссимон таъсир.	Аминогликоз идлар, эуфиллин билан химиявий қарама қаршилиқ. Ацетилсалици лат кислотаси билан қон кетиш хавфи кучаяди. Фуросемид билан нефротоксик эффект кучаяди.

Интерактив ўқитиш методи сценарийси:

«Инцидент методи».

Инцидент методининг мақсади талабани бемор ҳаётига хавф солувчи ҳолатларда мустақил ҳаракат қилишга тайёрлашдир. Талабага тез ҳаракат қилишни талаб қиладиган аниқ ва қисқа шошилиш ҳолати ситуацияси берилади.

Ушбу ҳолат тахлили 0,5-1,5 минутдан кейин ўтказилади. Назарий билимларнинг чуқурлиги эмас, балки беморга ёрдам беришнинг алгоритми ва тезкорлиги баҳоланади. Жавоб хатосиз бўлиши шарт.

Инцидент методикаси талабанинг клиник фикрлашини активлаштиради, экстремал ҳолатларда қарор қабул қилиш тезлигини оширади.

Масалан:

Сизга 1,5 ёшли болани олиб келишди. Ота-оналари болага м/о биринчи марта бензилпенициллиннинг натрийли тузини юборилгандан сўнг болада қурқув, юз ва кўл терисининг кичишиши, кўкрак қафасининг қисилиши, кўнгил айнаш, қайт қилиш, қулоқларда шовқин, цианоз, юрак уришининг тезлашиши, А/Б нинг пасайиши, хуш йўқотишга шикоят қилишди.

Сизнинг диагнозингиз ва тактикангиз.

Жавоб: 1. Диагноз - анафилактик шок.

1. Бажариладиган муолажалар кетма-кетлиги:
2. Шок чақирган ДВ ни юборишни тўхтатиш.
3. Махаллий совуқ ишлатиш.
4. ДВ юборилган жойни атрофини 0,1%ли адреналин гидрохлорид эритмасини (0,3-0,5-1 мл ёшига караб) 2%ли новокаинда эритиб (1-5 мл, ёки 2%ли лидокаин эритмасида) инъекция қилиш.
5. Адреналин гидрохлорид 0,1% (0,01-0,015 мл/кг) 10-20 мл 0,9% натрий хлорид эритмасида в/и.
6. Преднизолон 2-5 мг/кг в/и .
7. Кальций глюконат 10%ли эритма 5-10 мл в/и.

«Стол марказидаги ручка» методи

Ушбу методнинг мақсади гуруҳнинг барча талабаларини жалб қилиш, эътиборини жамлаш, талабаларни активлаштиришдир. Гурӯппага биргалликда битта топшириқни ечиш таклиф этилади: «Антибактериал ДВларнинг барча гуруҳларини айтиб беринг»

Бир варрақ қозғоғча хар бир талаба 1тадан жавоб варианты ёзиб, ёнидага ўртоғига узатади. Ручкасини эса стол марказига қўяди. Барча жавоблар биргалликда кўриб чиқилади, тўғри ҳамда нотўғри жавоблар таҳлил қилинади. Жавобларнинг таҳлил қилиниши ва қайтарилиши материалнинг яхши ўзлаштирилишига ва эслаб қолинишига ёрдам беради.

Жавоб:

- Антибиотиклар
- Сульфаниламидлар
- Хинолонлар
- Нитрофуранлар
- Нитроимидазоллар
- Хиноксалинлар

Венн диаграммаси

Венн диаграммаси 2 та гуруҳ препаратларини солиштириш йўли орқали талабаларнинг пенициллин гуруҳи препаратлари тўғрисидаги билимларини чуқурроқ ўзлаштиришларига ёрдам беради (табiiй ва яримсинтетик)


Масала: 1. Табiiй пенициллинларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

2. Яримсинтетик пенициллинларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

3. Табiiй ва яримсинтетик пенициллинларнинг ўхшаш хусусиятларини топиш.

Масаланинг ечими: «Табiiй ва яримсинтетик пенициллинларнинг бир-биридан фаркли хусусиятлари» мавзусида Венн диаграммасини тўлдиринг.

Ўқитувчи вазифани тушунтиради: диаграмманинг чап доирасига (х) табiiй пенициллинларнинг ўзига хос хусусиятларини, ўнг доирасига (х) яримсинтетик пенициллинларнинг ўзига хос хусусиятларини ёзилади, ўртага эса (хх) табiiй ва яримсинтетик пенициллинларнинг бир-бирига ўхшаш хусусиятларини ёзилади.



«Т схема»

Ушбу метод препаратларнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганган ҳолда талабаларга цефалоспоринлар гуруҳи препаратларини тўлиқроқ ўрганишга ёрдам беради.

Масала: 1. Клафораннинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақидаги маълумотларни

“Т схемага” жойлаштиринг

Масаланинг ечими: Ўқитувчи «Т схема» схемасини тўлдиришни таклиф қилади. Барча саволларга жавоблар ёзилгандан кейин муҳокама қилинади

Цефалоспоринлар

Афзалликлари	Камчиликлари
Бактерицид таъсир Резистентлик секин ривожланади Кенг спектрга эга Ярим яшаш даври 12 соат Барча тўқималарга яхши киради	Фақат парентерал юборилади Аллергик реакциялар Гепатотоксиклик Гематотоксиклик Антабуссимон таъсир Нейротоксиклик (ГАМКга антагонизм) Тилларанг стафиллококка таъсир қилмайди Хужайра ичи инфекцияларига таъсир қилмайди

КЛАСТЕР


«Антибиоткларнинг гуруҳлари».

Кластер талабаларга «Антибиоткларнинг гуруҳлари» тўғрисидаги билимларини тизимлашда ёрдам беради.

1. Вазифа: «Антибиоткларнинг гуруҳлари»ни аниқлаш.

2. Вазифанинг ечими: Кластерни тўлғазиш «Антибиоткларнинг гуруҳлари»

Синф тахтаси ўртасига «Антибиоткларнинг гуруҳлари»ассоциация усулида кичик бўлган доираларга «йўлдош» сўзларни ёзилади – мавзуга боғлиқ сўзлар. Уларни “асосий” сўз билан чизиклар билан боғланади. Бу «йўлдош» сўзларнинг «кичик йўлдош»лари бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзишни ажратилган вақт тугагунга қадар ёки барча идеялар тугагунча олиб борилади.Муҳокама учун кластерлар билан алмашилади.



«Т схема» Тетрациклинлар

Ушбу метод препаратларнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганган холда талабаларга цефалоспориинлар гуруҳи препаратларини тўлиқроқ ўрганишга ёрдам беради.

Масала: 1. Тетрациклинларнинг афзалликлари ва камчиликлари хақидаги маълумотларни “Т схемага” жойлаштиринг

Масаланинг ечими: Ўқитувчи «Т схема» схемасини тўлдиришни таклиф қилади. Берилган схемани галма гал талабалар тўлдиришади. Хар бир талабага 20 секунддан вақт берилади. Барча саволларга жавоблар ёзилгандан кейин муҳокама қилинади

Тетрациклинлар

Тетрациклинларнинг афзалликлари	Тетрациклинларнинг камчиликлари

Вазиятли масалалар:

Вазиятли масала №1

10 ёшли болага терапевтик дозада клафоран буюрилган, бир неча вақт ўтгач аллергия белгилар: терида тошмалар, кичишиш, тана хароратининг 38° га кўтарилиши кузатилди.

Сизнинг тактикангиз.

Жавоб:

1. Препаратни юборишни тўхтатиш.
2. Антигистамин препаратлар юбориш:
 - Супрастин 2% (0,1 мл/кг, 2 млдан ошмаслиги керак) ёки
 - Дипразин (пипольфен)- 2,5% ли0,5-1 мл м/о ёки Димедрол 1%- 0,1-3 мг/кг.
3. Кальций препаратларини қўллаш:
 - Кальций глюконат 10% ли 5-10 мл в/и.
4. Самара бермаганида:
 - Преднизолон 2-5 мг/кг в/и ёки м/о .

Тест жавоблари:

1: 1, 3, 5; 2: 1, 3, 4, 6; 3: 1, 3, 4, 6; 4: 2, 3, 6; 5: 2, 4; 6 - I - Д, II - Е, III - Б, IV - В, V - А, VI - Г;
7 - I - В, II - Д, III - А, IV - Е, V - Б, VI - Г; 8 - 1 - А, Б, Г; 2 - В; 9 - 3; 10 - 2; 11 - 2; 12 - 5; 13 - 4;
14 - 4; 15 - 4; 16 - 4; 17 - 1, 2, 3, 5; 18 - 1, 2, 3, 4, 5; 19 - I - А, Б, Г II - В; 20 - 1, 2, 4, 5; 21 - 2, 3, 5;
22 - 1, 2, 3, 4, 5; 23 - I - В, II - Д, III - Г, IV - А, V - Б.; 24 - 2; 25 - 3; 26 - 1; 27 - 3; 28 - 3;
29 - 2; 30 - 5;

Цефалоспориинлар: 1 - 1, 2, 4; 2 - 1, 4; 3 - I - В, II - Г, III - А, IV - Б; 4 - 2; 5 - 2; 6 - 4; 6 - 4; 7 - 1, 3, 4, 6; 8 - 2, 3, 6; 9 - I - Д, II - В, III - Б, IV - Г, V - А; 10 - 1, 2, 3, 4, 5;

Баҳолаш меъзонлари:

Балл	Баҳо	Мавзу: Антибиотикларнинг клиник-фармакологик характеристикаси: ФД, ФК, ножўя таъсирлари, ДВнинг чиқарилиш шакли, концентрацияси, дозаси ва ДВ юборилиш йуллари.
86-100	Аъло	Талаба билади: Антибактериал ДВ ларнинг классификацияси. Антибиотикотерапия принциплари. Антибиотиклар классификациясини. Уларнинг ФД, ФК, НЭ, кўрсатмаларини, қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВ билан ўзаро таъсирини билган ҳолда препаратларни эффектив ва бехатар буюрилишини таъминлай олади. Талаба ушбу препаратларга тўғри рецепт ёза олади, муаммоли масалаларни тўғри еча олади, тест саволларига тўғри жавоб бера олади. Конспектлари ёзилган. Анафилактик шокда шошилиш ёрдам бера олади.
71-85	Яхши	Талаба билади: Антибактериал ДВ ларнинг классификацияси. Антибиотикотерапия принциплари. Антибиотиклар классификациясини. Уларнинг ФД, ФК, НЭ, кўрсатмаларини билади, қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВ билан ўзаро таъсирини тўлиқ билмайди. Талаба ушбу препаратларга тўғри рецепт ёза олади, вазиятли масалаларни тўғри еча олади, тест саволларига тўғри жавоб бера олади. Конспектлари ёзилган. Анафилактик шокда шошилиш ёрдам бера олади.
55-70	Қониқарли	Талаба билади: Классификациядаги препаратларни тўлиқ билмайди. Уларнинг ФД яхши билмайдиёки ФК яхши билмайди, НЭ, кўрсатмаларини ёмон билади, қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВ билан ўзаро таъсирини тўлиқ билмайди. Ўтказилаётган ФТ эффектларини аниқлай олади, лекин бехатарлигини таъминлай олмайди. Талаба ушбу препаратларга тўғри рецепт ёза олмайди, вазиятли масалаларни тўғри еча олади, тест саволларига жавобда адашади. Конспектлари ёзилган. Анафилактик шокда тўлиқ шошилиш ёрдам бера олмайди.
<55	Қониқарсиз	Классификациядаги препаратларни тўлиқ билмайди. Уларнинг ФД яхши билмайди, ФКсини, НЭ билмайди, кўрсатмаларини ёмон билади, қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВ билан ўзаро таъсирини билмайди. Ўтказилаётган ФТ эффектларини аниқлай олмайди, бехатарлигини таъминлай олмайди. Талаба ушбу препаратларга тўғри рецепт ёза олмайди, вазиятли масалаларни тўғри еча олмайди, тест саволларига жавоб бера олмайди. Конспектлари ёзилмаган, дарсда пассив иштирок этади.

Мавзуга тегишли назорат саволлари:

1. Антибиотикларнинг классификациялари
2. Антибиотикотерапия принциплари
3. Антибиотикларнинг классификациялари, ФД, ФКси.
4. Антибиотиклар қўлланилишига кўрсатмалар.
5. ФТ нинг самарадорлигини кузатиш ва бехатарлигини таъминлаш: қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлар ва уларнинг коррекцияси
6. Антибактериал дори воситалар ва антибиотикларнинг бир бири билан ва бошқа ДВлар билан ўзаро таъсири.

Машғулот № 7

Мавзу: Турли кимёвий тузилишга эга антибактериал дори воситалари клиник фармакологияси.

Машғулотни давомилиги: 6 соат	
Машғулотни ўтказиш режаси	
Машғулот мақсади:	Турли кимёвий тузилишга эга антибактериал дори воситалари клиник-фармакологик характеристикасини ўргатиш: ФД, ФК, ножўя таъсирлари, ДВнинг чиқарилиш шакли, концентрацияси, дозаси ва ДВ юборилиш йулларини.
Педагогик вазифалар: 1. Антибактериал ДВларнинг таъсир механизми, таъсир спектри ва классификацияларини талабаларга ўргатиш. 2. Антибактериал ДВларнинг қўлланилишига кўрсатмаларни ва самарадорлигини баҳолашни талабаларга ўргатиш. 3. Антибактериал ДВларнинг ножўя ва ўзаро таъсирларини ўргатиш 4. Самарадорлиги ва бехатарлигини назорати критерийларини	Ўқув жараёнини натижалари: Талаба билиш керак: 1. Антибактериал ДВларнинг классификациялари 2. Антибактериал ДВларнинг ФД, ФКси. 3. Антибактериал ДВларнинг қўлланилишига кўрсатмалар. 4. ФТ нинг самарадорлигини кузатиш ва бехатарлигини таъминлаш: қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлар ва уларнинг коррекцияси 5. Антибактериал дори воситалар ва антибиотикларнинг бир бири билан ва бошқа ДВлар билан ўзaro таъсири.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Блиц-суров, интерактив методлар («Мияга хужум», «Стол марказидаги ручка»), Кластер , вазиятли масалалар, тестлар
<i>Ўқитишни таъкиллаштириш усуллари</i>	Индивидуал/ коллективда/ кичик гуруҳларда ишлаш/ вазиятли масалалар, тестлар
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материаллар, вазиятли масалалар, тестлар
<i>Қайтар алоқа манбалари ва воситалари</i>	Блиц-суров/ тест ўтказиш (мослигига)/берилган вазифаларни натижасини презентацияси ва б.к.

Кўриладиган саволлар рўйхати:

1. Антибактериал ДВлар ва антибиотикларнинг классификациялари
2. Антибактериал ДВларнинг ФД, ФКси.
3. Антибактериал ДВларнинг қўлланилишига кўрсатмалар.
4. ФТ нинг самарадорлигини кузатиш ва бехатарлигини таъминлаш: қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлар ва уларнинг коррекцияси
5. Антибактериал дори воситалар ва антибиотикларнинг бир бири билан ва бошқа ДВлар билан ўзaro таъсири.

Машғулот режаси:

1. Давоматни текшириш
2. Талабаларни амалий машғулот мақсади билан таништириш.
3. Уй вазифасини текшириш (рецептлар, конспект).
4. Актив сўроқ

5. Тестлар билан ишлаш
6. Вазиятли масалалар ечиш
7. Интерактив услуб билан дарс ўтиш сценарийси
8. Резюме
9. Машғулоти баҳолаш ва ҳужжатларни тўлдириш
 - талабанинг конспектдаги баллари
 - талабанинг жаридадаги баллари

Амалга ошириш усуллари:

1. Тарқатма материаллар
2. Топшириқлар 1-3.
3. Интерактив метод сценарийси.
4. Тест саволлари.
5. Вазиятли масалалар
6. Амалий машғулоти таъминланиши: презентация «Антибиотикотерапия»
7. Текшириш турлари.
8. Мавзуга тегишли саволлар.

Темага оид ДВларга рецепт ёзиш.

АБ ларга рецепт ёзиш	Ўқитувчи иловалари
Rp. Pulv. Streptocidi 10,0 DS. Яра юзасига стрептоцид кукунини сепиш.	Жарохат юзасига сепиш учун стрептоцидга рецепт ёзиш
Rp: Aethazoli 0,5 D.t.d. N 10 in tab. S. 1/2 таб х 3 маҳал ичишга.	Дозани ҳисоблаш: 1 ёшдан бошлаб 0,1-0,15г/кг/с 4-6 маҳал. 2 ёш - 12 кг. СД=0,15 х 12 кг = 1,75г МД=1,75г: 4=0,26 1таб – 0,5 Х таб – 0,26 х=1/2таб
Rp: Tab. Biseptoli 480 D.t.d. N 20 S. 1/2 таб. х 2 маҳал ичишга	Дозани ҳисоблаш: 2-5 ёш 1/2 таб.дан (240)х 2 маҳал. 5-12 ёш 1 таб (480)х 2 маҳал. 5 ёш- 20 кг МД=1/2 таб 2 маҳал.
Rp: Tab. Urosulfani 0,5 D.t.d. N 20 S. 1 таб х 4 маҳал ичишга	Суткалик доза 1,0-2.5г. 4-5 маҳал
Rp: Tab. Nitroxolini 0,05 D. t. d. N 20 S. 1 таб. х 4 маҳал ичишга.	5 ёшгача 0,2 г/ сут. 5 ёшдан катталарга 0,2-0,4 г/сут 4 маҳал. МД = 200мг : 4 маҳал = 50мг 1таб – 50 мг Х таб=50 мг х=1 таб
Rp: Tab. Furadonini 0.05 D. t. d. N 10 S. 1/2 таб. х 3 маҳал овқатдан кейин ичиш учун.	5-8 мг/кг / сутки 3-4 маҳал. 5ёш -20 кг СД=5 мг/кг/с х 20кг=100мг МД = 100мг : 4раза = 25мг 1таб – 50 мг Х таб=25 мг х=1/2 таб
Rp: Tab. Furasolidoni 0.05 D. t. d. N 10 S. 1/2 таб. х 4 маҳал овқатдан сўнг ичиш учун, кўп	4-5 мг/кг /сутки 2-3 маҳал. лямблиозда 10 мг/кг /сут 3-4 маҳал. 5ёш -20 кг СД=5 мг/кг/с х 20кг=100мг

суюқликлар билан.	$\text{МД} = 100\text{мг} : 4 \text{ махал} = 25\text{мг}$ $1 \text{ таб} - 50 \text{ мг}$ $\text{Х таб} = 25 \text{ мг} \quad \text{х} = 1/2 \text{ таб}$ Нитрофуранларни овқатдан сўнг кўп суюқликлар билан буюрилади.
Rp: Tab. Negrami 0,5 D. t. d. N 12 S. 1 таб. х2 махал ичиш учун.	<u>2 ёшгача қарши кўрсатма.</u> Сут.доза 50-60 мг/кг 2 махал. 5ёш -20 кг $\text{СД} = 50 \text{ мг/кг/с} \times 20\text{кг} = 1000\text{мг}$ $\text{МД} = 1000\text{мг} : 2\text{раза} = 500\text{мг}$ $1 \text{ таб} - 500 \text{ мг} \times 1 \text{ таб}$
Rp: Tab. Ciproleti 0,5 D. t. d. N 10 S. 1/2 таб. х2 махал ичиш учун.	Катталарга 0,1-1,2 г/сут 2 махал. <u>Фторхинолонлар чуқур резерв препаратлари бўлиб, 15 ёшгача болалар қарши кўрсатма!</u>
Rp: Tab. Ofloxacin 0,2 D. t. d. N 10 S. 1/2 таб. х2 махал ичиш учун.	Катталарга 0,1-0,2 г/сут 1-2 махал. <u>III авлод фторхинолонлари жуда чуқур резерв препаратлари ва 15 ёшгача бўлган болаларга мумкин эмас.</u>

Топшириқ № 3 препаратларга ТФВ тўлдириш

Мавзу бўйича мажбурий минимумни билиш (оғзаки ва (ёки) ёзма) препарат (группа) Чиқариш шакли, дозаси, юбориш йўли. Кўрсатмалар ФД ва ФК Қарши кўрсатмалар Ножўя таъсирлар Ўзаро таъсирлар	Препаратларга ТФВ тўлдириш: Бисептол, Фуразолидон, Метронидазол, Ципрофлоксацин (тарқатма материал).
---	---

Талабанинг препаратга клиник фикрлаш варақаси Бактрим (Бисептол) препарати

Препарат (группа)	Кўрсатма	Чиқариш шакли. Доза, юбориш йўли	Фармакодинамика Фармакокинетика	Қарши кўрсатма	Ножўя эфектлари	Ўзаро таъсирлар
Бисептол, Синонимлари: БактримСептрин, Бактицел, Бактрамин, Бактрамел, Бактризол, Берлоцид, Респрим, Септоцид, Суметролим, Уроксен, Ванадил, Бактрעדукт, Гросептол, Котрибене, Котрим, Котримол, Сульфатрим, Тримезол, Экспазол, Котримаксол Котримаксазол	Септицемия, нафас аъзолари, сийдик йўллари инфекциялари ва меъда-ичак трактининг препаратга сезгир микроорганизм лар чақирган касалликлари.	Суспензия (сироп) флаконларда 100 мл. Суспензия таркибига (5 мл ичида) қуйидаги моддалар киради: сульфаметоксазол-3 (параминобензолсульфа мидо)-5-метилизоксазол - 0,2 г; триметоприм 2,4- диамино-5-(3,4,5- триметоксибензил)- пиримидин - 0,04 г. Ичишга овқатдан сўнг буюрилади (эрталаб ва кечқурун). Дозаси боланинг ёшига боғлиқ холда танланади: 6 хафт. 5 ойликгача - 1/2 чой қошиқдан 2 маҳал кунига; 6 ой. 5 ёшгача - 1 чой қошиқдан 2 маҳал кунига ; 5 - 12 ёшгача - 2 чой қошиқдан 2 маҳал кунига.	ФД. Комбинирланган препарат. Бактерицид эффеки таркибида триметоприм туфайли кеиб чиқади, триметоприм редуктазанинг ингибитори хисобланади. Натижада фолин кислотанинг в дегидрофолинга айланиши тўхтайди, кейн эса актив шакллари – тетрафолат- редуктазага ва синтетазага, шу туфайли микроб девори синтези бузилади ва унинг ўлишини чақиради. ФЭ: бактерицид ФК: Бактрим ичилганда тез сўрилади. Қондаги максимал концентрацияси 1-4 соатда ва 7 соат сақланади. 50-90% қон оксиллари билан боғланади, бошқа моддаларни оксилдан сикиб чиқаради. Ўпкага,аденоидлар ва муртак безларигаички ва ташқи кулоққа, плевра, синовиал ва асцитик суюқликларга, плаценадан ва она сутидан яхши ўтади. Жигарда ацетилланади. Ўт ва қисман сийдикдан чикиб кетади.	Сульфанил амид препаратла рига юқори сезгирлик.	Кўнгил айниши, қайт қилиш, аллергик реакциялар, лейкопения, агранулоцитоз, гепатотоксик ик. Давони қон тахлили назорати остида олиб бориш керак.	Синергизм: яримсинтетик пенициллинлар, макролидлар, линкомицин, фузидин, полимиксинлар билан. Ко-тримаксазолга антагонист– фолат кислота. Антагонизм: левомицетин, ристомин, аминогликозидла р, налидикс кислотаси, уротропин билан.

Талабанинг клиник фикрлаш варақаси Метронидазол препарати

Препарат	Курсатма	Чиқариш шакли. Доза, юбориш йўли	Фармакодинамика Фармакокинетика	Қарши кўрсатма	Ножўя эфектлари	Ўзаро таъсирлари
Метронидазол Metronidazole (Трихопол Trichopolum, Флагил Flagylum, Метрогил, , Metrogyl)	Амебиаз, Лямблиоз, Трихомони аз, 12 бармоқ ичак ва меъда яра касалликла ри.	Таб. 0,25; 0,5 г Вагинал суппозиториялар. Катталарга 0,25 г х 3 маҳал суткасига 10 кун, Лямблиозда: болаларга: 2 ёшгача по 0,125 г/сут. 3-5 ёш 0,25 г; 6-10 ёш 0,375 г.; 11-15 ёш 0,5 г 1-2 қабулга 5-7 кун давомида. Ўткир ҳамда сурункали уrogenитал ва ичак трихомониазини даволаш учун 10 ёшгача болаларда 0,125 г 2 маҳал, 10 ёшдан катталарга 0,125 г 3-4 маҳал 6-7 кун. Керак булса даво курсини 4-6 ҳафтадан сунг кайтариш. Яра касаллигида: 2-5 ёшда 0,25г кунига (2-3 қабулга), 5-10 ёш - 0,375 г, 10-15 ёш -0,5 г.	ФД: Нитроимидазоллар, микро- организм ичига тушиб, уларнинг, редуктаза ферментлари таъсирида юқори токсикликка эга метаболитлар ҳосил қилади ва нуклеин кислоталарни парчалайди. ФЭ: бактерицид. ФК: Ичилгандан сўнг препаратнинг 90-100% тез сўрилади. Қон плазмасида максимал концентрацияси 1-3 соатда пайдо бўлади, вагинал ва ректал қўлланилганда 4 соатдан сўнг. Қон плазмасида 6-14 соат давомида бўлади. Орқа мия суюқлигида концентрацияси қон плазмасидагидек бўлади. Қон оксиллари билан препаратнинг 5- 20 % боғланади. Камқисми жигарда метаболизмга учрайди ва буйраклар орқали ажралади, Ўт- сафро, вагинал суюқлик ва тухумдон суюқликларига ажралади.	Қон яратиш аъзолари касалликлари, МНС касалликлари, хомиладорлик Буйрак етишмовчилиг и.	Иштаха йўқолиши, кўнгил айнаши, қайт қилиш, бош оғриши, лейкопения. Дисбактериоз ни олдини олиш учун нистатин ёки леворин билан буюриш лозим. .	Метронидазол билан даволанаётган беморларга спиртли ва уйку чақирувчи препаратлар мумкин эмас.

Талабанинг препаратга клиник фикрлашини varaқаси: Ципрофлоксацин препарати

Препарат (гуруҳ)	Кўрсатмалар	Чиқариш шакли. Доза, юбориш йўли	Фармакодинамика Фармакокинетика	Қарши кўрсатма	Ножўя эффектлари	Ўзаро таъсир
Фторхиноло нлар Ципрофлокс ацин (Ciprofloxaci num) Синонимлар и: Квинтор, Ципро, Ципробай, Циплокс, Ципринол, Ципробид, Ципролет, Ципромид, Ципропан, Ципросан, Афеноксим, Медоципри н, Цифобак, Ципроцинал , Цитерал, Цифран	Оғир ва асоратланган нафас йўллари инфекциялари, хамда сальмо нелла, шигелла, кампилобактериял ар ва бошқа кўзга- тувчилар чақирган инфекцион касал ликлар; гонококкли инфекциялар, ме нингит, операция лардан кейинги инфекцион асо ратларни, сепсисни даволашда, сийдик йўллари инфекцияларида юқори самарадор ликка эга. Онкологик беморлар инфекцион холатлари	Қобикли таблеткалар 0,25; 0,5 и 0,75 г; 0,2% эритма флаконларда инфузия учун 50 ва 100 мл (100 ёки 200 мг); 1% эритма ампулаларда 10 мл. Ичишга 0,25-0,5 г 2 махал кунига; оғир холларда -0,75 гр.гача 2 махал кунига. Даво курси -одатда 5- 15 кун. Оғир касалликларда давони в/и қисқа мудатли инфузилардан бошланади (30 мин. чамасида). Натрий хлорид ёки 5% глюкозанинг эритмасида эритиб юборилади. В/и юбориш учун дозаси <u>кунига 0,2 г 2 махал.</u>	ФД: микроб хужайрасида ДНК- га боғлиқ РНК-гиразани ингибирлайди. ДНК ипларининг функциялари бузилади, микробларнинг SOS-системаси оксилларини синтези бузилади ФЭ: Бактерицид таъсирга эга. ФК: Препарат ичиш учун ва парентерал берилганда эффектив. Айниқса оч коринга ичиш учун берилганда сўрилиши яхши. Қон плазмасидаги максимал концентрацияси, ичгандан кейин 1-2 соатда кузатилади, в/и юборилганда 30минда. Ярим яшаш даври-4 соат чамасида. Плазма оксиллари билан кам боғланади. Туқима ва аъзоларга яхши ўтади, гематоэнцефалик барьердан ўтади. 40% ўзгармаган холда буйрак орқали сийдик билан 24 соат ичида ажралади.	15 ёш гача бўлган болаларга буюриш мумкин эмас. Хинолонлар га юқори сезгирлик, эпилепсияда . Эмизикли ва хомиладор аёлларга буюриш мумкин эмас.	Аллергик реакциялар (терида қичишиш, тошма); юз ва овоз бойламларида шишлар ривожланиши мумкин; анорексия, қоринда оғрик, кўнгил айнаши, кусиш, ич кетиши; уйқу бузилиши, бош оғриши, умумий холсизлик безовта лик хисси, қондаги ўзгаришлар: лейко пения, агранулоци тоз, тромбоцитопе ния. Айрим холларда хид ва таъм сезгисининг бузилиши. Фотосенсибилизация. Қарияларда ахилл пайининг ёрилиши кузатилади. Эпифора (кўз ёшланиши)	Ципрофло ксацинни бир вақтда антацид моддалар билан қўллаш мумкин эмас (ишқорий сувлар билан хам) эффективлиг и сусайиши мумкин.

Талабанинг клиник фикрлаш varaқаси

Фуразолидон препарати

Препарат (гурух)	Кўрсатмалар	Чиқариш шакли. Доза, юбориш йўли	Фармакодинамика Фармакокинетика	Қарши кўрсатма	Ножуя эфектлари	Ўзаро таъсир
Нитрофуран унумлари. Фуразолидон Furazolidonu m Синонимлари :Диафурон, Фуроксон, Нефтин, Неоколен, Нифулидон, Оптазол, Ривопен-О, Трихофулон, Трихофулин, Трифурокс ва бошқалар.	Дизентерия, паратиф; паратифоз характерли овқат токсико- инфекциялари (овқатдан захарланиш), трихомонада чақирган касалликлар, лямблиоз.	Таб. 0,05 г. Овқатдан сўнг ичишга буюрилади. Дизентерия, паратиф, овқат токсикоинфекцияларида 0,1 -0,15 г 4 махал суткасига 5-10 кун давомида. Даво курси касалликнинг даражасига боғлиқ. Препаратни 10 кундан ортиқ буюриш мумкин эмас. Лямблиозда 0,1 г 4 махал суткасига. Болаларга 10 мг/кг/ сут. (3-4 кабулга). Трихомонадали инфекцияларда 0,1г 3-4 махал. 3 кун давомида; ундан ташқари 7-14 кун давомида махаллий даво ўтказилади; хар куни 5-6 г қинга қўйилади (фуразолидон ва сутли қанд 1:400-1:500); 0,004-0,005 г фуразолидон тутувчи шамчалар - perrectum..	ФД. Микроб хужайрасида асосий донатор Н ⁺ фаоллигини бузади ва натижада нафас занжири фаолиятини тўхтатади. Грамманфий ва граммусбат бактерияларга, дизентерия, қорин тифи ва паратиф қўзғатувчилар трихомонадага ва лямблияларга нисбатан антимикроб фаолликка эга. ФК: Препаратни ичишга буюрилади, овқатдан сўнг, тез сўрилади. Қонда терапевтик концентрацияси 4 - 6 соат сақланади. Тўқималарга яхши ўтмайди, сафрода, сийдикда, терапевтик концентрацияда бўлади. Сийдик ва ичак орқали экскреция қилинади	Нитрофуран унумларига сезгирликнинг юқорилиги; буйрак фаолияти етишмовчилигида эҳтиётгарлик лозим.	Кўнгил айнаши, қайд қилиш, иштаха пасайиши, аллергик реакциялар бўлиши мумкин. АБ ошиши. Холестаз. Буйрак филътрацияс и бузилиш холатларида кумуляцияга учраши мумкин.	Синергизм: Макролидлар, Линкомицин, тетрациклинлар, полимиксинлар, Фузидин, полиен антибиотиклари билан. Антагонизм: Левомецетин, сульфаниламидла р, Налидикс кислотаси, уротропинларга. Нордон препаратлар билан бир вақтда буюриш хавфли (вит.С, кальций хлорид, аммоний хлорид); МАО ингибиторлари билан - АБ таъсир ошиши.

Интерактив ўқитиш методи сценарийси: «Мия хужуми».

1. Мавзу танлаш.
2. Савол танлаш:

- А. Хинолонлар классификацияси
- Б. I авлод хинолонларини қўллашга кўрсатмалар.
- В. II авлод хинолонларини қўллашга кўрсатмалар.
- Г. III авлод хинолонларини қўллашга кўрсатмалар.
- Д. III авлод хинолонларини ножўя эффектлари.

Қатнашчиларга вазифаларини тушунтириш: қисқа вақт ичида (масалан 10 минут) максимал ўз фикрларини билдириш лозим.

Котиб танлаш - талабалар ичидан, доскага барча фикрларни ёзиб бориш (флип-картага, плакатга)

Талабаларнинг жавобларига ҳеч қандай салбий баҳо бермаслик. Агар катнашувчилар қийналса - педагог ўйлашга вақт беради ёки уларга бошлаб беради

А саволининг жавоблари.

I авлод: Интестопан, Нитроксолин, Хинозол, Хлорхинальдол, Энтеросептол, Мексаформ, Мексаза

Павлод: Налидикс кислотаси, Оксолиен кислота, Пипемидиевая кислота, Пирамидин кислотаси

III авлод - Фторхинолонлар: Офрлоксацин, Руфлоксацин, Ципрофлоксацин, Ломефлоксацин, Спарфлоксацин, Флероксацин, Тосуфлоксацин **Б,В,Г**

саволларининг жавоблари.

I авлод препаратлари: амебали колитлар, энтероколитларни даволаш учун буюрилади. Нитроксолин - сийдик ажратиш йўллари инфекцияларини даволаш учун қўлланилади.

II авлод препаратлари: сийдик ажратиш йўллари инфекцияларини даволаш учун қўлланилади

III авлод препаратлари: Оғир инфекцион жараёнларни даволаш учун қўлланилади.

Д саволининг жавоблари.

I авлод препаратлари: Диспептик ҳолатлар. Аллергик реакциялар.

Энтеросептол - «йодизм» ҳолати, периферик невритлар, кўрув нервибузилиши, хатто кўрликка олиб келиши мумкин. Интестопан - «бромизм» ҳолатини чақиради — сўлак оқиши, ёш оқиш, тери таъсирланиши, хотира ва эътиборнинг пасайиши

II авлод препаратлари: гепатотоксик таъсир кўрсатади, диспептик ҳолатлар чақиради. Аллергик реакциялар. Бош оғриши, бош айланиши, уйқисизлик.

III авлод препаратлари:

1. Катта дозаларда бўғимларда тоғай туқималари ўсиши ва ривожланишини бузиши, шунинг учун 18 ёшгача мумкин эмас.
2. Артралгиялар, миалгиялар, лейкопения, зоинофилия, диспептик ўзгаришлар, транзитор гиперферментемия. фотодерматозлар чақиритиш мумкин.
3. Фотосенсибилизация.
4. Қарияларда ахилл пайининг ёрилиши кузатилади.
5. Эпифора (кўз ёшланиши)

«Стол марказидаги ручка» методи

Ушбу методнинг мақсади гуруҳнинг барча талабаларини жалб қилиш, эътиборини жамлаш, талабаларни активлаштиришдир. Гуруҳга биргалликда битта топшириқни ечиш таклиф этилади: «Антибактериал ДВларнинг барча гуруҳларини айтиб беринг»

Бир варрақ қозғалма хар бир талаба 1тадан жавоб варианты ёзиб, ёнидага ўртоғига

узатади. Ручкасини эса стол марказига қўяди. Барча жавоблар биргалликда қўриб чиқилади, тўғри ҳамда нотўғри жавоблар таҳлил қилинади. Жавобларнинг таҳлил қилиниши ва қайтарилиши материалнинг яхши ўзлаштирилишига ва эслаб қолинишига ёрдам беради.

Жавоб:

- Антибиотиклар
- Сульфаниламидлар
- Хинолонлар
- Нитрофуранлар
- Нитроимидазоллар
- Хиноксолинлар

КЛАСТЕР

«Нитроимидазолларнинг ножўя эффектлари».

Кластер талабаларга «Нитроимидазолларнинг ножўя эффектлари» тўғрисидаги билимларини тиизимлашда ёрдам беради.

1. Вазифа: «Нитроимидазолларнинг ножўя эффектлари»ни аниқлаш.
2. Вазифанинг ечими: Кластерни тўлғазиш «Нитроимидазолларнинг ножўя эффектлари»

Синф тахтаси ўртасига «Нитроимидазолларнинг ножўя эффектлари».Ассоциация усулида кичик бўлган доираларга «йўлдош» сўзларни ёзилади – мавзуга боғлиқ сўзлар. Уларни “асосий” сўз билан чизиклар билан боғланади. Бу «йўлдош» сўзларнинг «кичик йўлдош»лари бўлиши мумкин ва бошқалар. Ёзишни ажратилган вақт тугагунга қадар ёки барча идеялар тугагунча олиб борилади.Мухокама учун кластерлар билан алмашилади.

«Нитроимидазолларнинг ножўя эффектлари»



Вазиятли масала № 1.

14 ёшли бола (тана вазни 53 кг) артериал гипертония, сурункали буйрак етишмовчилигининг 1 даражаси билан кечаётган иккиламчи сурункали пиелонефритнинг навбатдаги кайталаниш даврида мурожат қилган (сийдикда ампициллинга сезгир протей аниқланган). Болага ампициллин 500 мг х кунига 4 маҳал мускул орасига, ичишга - фуразолидон 0,2 х 4 маҳал суткасига буюрилган.

Бемор доим кўп микдорда сут-қатик махсулотларини истеъмол қилади (пшшлок, творог, қаймоқ). Давонинг 10 кунига келиб бел соҳасидаги оғриқлар камайган, тана харорати нормаллашган, дизурик симптомлар йўқолган. Қондаги қолдик азот - 17,45 ммоль/л (норма 14,3 - 25 ммоль/л). Адисс-Каковский бўйича сийдик анализида; эритроцитлар $-1,2 \cdot 10^{11}$ (норма до $1,1 \cdot 10^{11}$). Лейкоцитлар - $3,2 \cdot 10^9$ (норма $2,1 \cdot 10^9$ гача).

Аммо беморда диффуз хусусиятли кучли бош оғриғи, кўнгил айнаши, энса соҳасида пульсация хисси пайдо бўлди. Кўрувда тери қопламанинг рангпарлиги, тахикардия - пульс 130 ю.у. 1мин, АБ - 200 /120 мм, сим. уст. (келган вақтида 150/95 мм.сим.уст.).

1. Ривожланган симптоматикани патогенезини бемор қабул қилаётган препаратларниножўя эффектларини билган холда тушунтиринг.
2. ДВнинг ножўя таъсирларини коррекцияси учун тавсияларингизни беринг.

Жавоб:

1. Фуразолидон моноаминооксидаза ферментини ингибирлаш хусусиятига эга, бунингнатижасида моноаминларнинг (адреналин, норадреналин) метаболзми бузилиб таъсириошади (қон томирларнинг спазми, босимнинг ошиши).

2. Фуразолидон моноаминооксидаза ферментини ингибирлаганлиги туфайли уни бошқа шу ферментни ингибирлавчи препаратлар (ипразид, ниаламид), ҳамда тирозин сақловчи овқат махсулотлари (сыр, творог, сметана, банан) билан бермаслик керак.

Тест жавоблари:

Сульфаниламидлар: 1 – 1,3,4,5,7; 2 – 1,3,5; 3 – 4; 4 – 1-Б, 2-Г, 3-А, 4-В;

5 – 1,4,5; 6 – 1,2,3,4,6; 7 – 1,3,4,5,6; 8 – 1,2,4,5,6; 9 – 1; 10 – 1; 11 – 1; 12 – 1; 13 – 1;

Баҳолаш меъзонлари:

Балл	Баҳо	Мавзу: Антибактериал дори воситаларнинг клиник-фармакологик характеристикаси: ФД, ФК, ножўя таъсирлари, ДВнинг чиқарилиш шакли, концентрацияси, дозаси ва ДВ юборилиш йуллари.
86-100	Аъло	Талаба билади: Антибактериал ДВ ларнинг классификацияси. Антибактериал терапия принциплари. Сульфаниламидлар, нитрофуран, хинолон, нитроимидазол гуруҳи препаратлари классификациясини. Уларнинг ФД, ФК, НЭ, кўрсатмаларини, қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВ билан ўзаро таъсирини билган ҳолда препаратларни эффектив ва бехатар буюрилишини таъминлай олади. Талаба ушбу препаратларга тўғри рецепт ёза олади, муаммоли масалаларни тўғри еча олади, тест саволларига тўғри жавоб бера олади. Конспектлари ёзилган. Анафилактик шокда шошилиш ёрдам бера олади.
71-85	Яхши	Талаба билади: Антибактериал ДВ ларнинг классификацияси. Антибактериал терапия принциплари. Сульфаниламидлар, нитрофуран, хинолон, нитроимидазол гуруҳи препаратлари классификациясини. Уларнинг ФД, ФК, НЭ, кўрсатмаларини билади, қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВ билан ўзаро таъсирини тўлиқ билмайди. Талаба ушбу препаратларга тўғри рецепт ёза олади, вазиятли масалаларни тўғри еча олади, тест саволларига тўғри жавоб бера олади. Конспектлари ёзилган. Анафилактик шокда шошилиш ёрдам бера олади.
55-70	Қониқарли	Талаба билади: Классификациядаги препаратларни тўлиқ билмайди. Уларнинг ФД яхши билмайди ёки ФК яхши билмайди, НЭ, кўрсатмаларини ёмон билади, қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВ билан ўзаро таъсирини тўлиқ билмайди. Ўтказилаётган ФТ эффектларини аниқлай олади, лекин бехатарлигини таъминлай олмайди. Талаба ушбу препаратларга тўғри рецепт ёза олмайди, вазиятли масалаларни тўғри еча олади, тест саволларига жавобда адашади. Конспектлари ёзилган. Анафилактик шокда тўлиқ шошилиш ёрдам бера олмайди.
<55	Қониқарсиз	Классификациядаги препаратларни тўлиқ билмайди. Уларнинг ФД яхши билмайди, ФКсини, НЭ билмайди, кўрсатмаларини ёмон билади, қарши кўрсатмаларини, бошқа ДВ билан ўзаро таъсирини билмайди. Ўтказилаётган ФТ эффектларини аниқлай олмайди, бехатарлигини таъминлай олмайди. Талаба ушбу препаратларга тўғри рецепт ёза олмайди, вазиятли масалаларни тўғри еча олмайди, тест саволларига жавоб бера олмайди. Конспектлари ёзилмаган, дарсда пассив иштирок этади.

Мавзуга тегишли назорат саволлари:

1. Антибактериал ДВларнинг классификациялари
2. Сульфаниламидлар, нитрофуран, хинолон, нитроимидазолларнинг классификациялари, ФД, ФКси.
3. Антибактериал ДВларнинг қўлланилишига кўрсатмалар.
4. ФТ нинг самарадорлигини кузатиш ва бехатарлигини таъминлаш: қарши кўрсатмалар, ножўя таъсирлар ва уларнинг коррекцияси
5. Антибактериал дори воситалар ва антибиотикларнинг бир бири билан ва бошқа ДВлар билан ўзаро таъсири.

Машғулот № 8

Мавзу: Қон ивиш жараёнларига таъсир этувчи ДВ клиник фармакологияси. Қон ивиш тизимига таъсир этувчи шифобахш ўсимлик препаратлари.

Машғулотни давомийлиги: 6 соат

Машғулотни ўтказиш режаси	
Машғулот мақсади:	Гемостатиклар таснифи. Антитромботик ДВлар таснифи.
Педагогик вазифалари: 1. Гемостазга таъсир этадиган ДВларни таснифини билан талабаларни таништириш; 2. Антикоагулянтлар. ФД, ФК, қўлланилишига кўрсатмалар, самарадорлигини аниклаш билан талабаларни таништириш; 3. Фибринолитиклар ДВ. ФД, ФК, қўлланилишига кўрсатмалар, самарадорлигини аниклаш билан талабаларни таништириш; 4. Антиагрегантлар. ФД, ФК, қўлланилишига кўрсатмалар, самарадорлигини аниклаш билан талабаларни таништириш; 5. Гемостатик ва фибринолиз ингибиторларини ФД, ФК, қўлланилишига кўрсатмалар, самарадорлигини аниклаш билан талабаларни таништириш; 6. Тромбоцитлар агрегацияси ва адгезисини оширувчи, ангиопротектор ДВлар. 7. Ўтказилаётган фармакотерапияни эффективлигини ва бехатарлигини таъминлашини талабаларга ургатиш;	Ўқув жараёнини натижалари: Талаба билиш керак: 1. Гемостазга таъсир этадиган ДВларни таснифини 2. Гемостатик ва антитромботик ДВлар (фибринолиз ингибиторларини, антиагрегантларни, ангиопротекторларни, бевосита ва билвосита антикоагулянтларни), фибринолитикларни, ФД, ФК, қўлланилишига кўрсатмаларни, самарадорлигини аниклашини ва бехатарлигини таъминлашини 3. Ножўя таъсирларни ривожланишини олдиндан кўра билиш ва олдини олишни билиши.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	«Инцидент»усули, «Кластер» усули, вазиятли масалалар, тестлар
<i>Ўқитишни ташкиллаштириш усуллари</i>	Индивидуал/ коллективда/ кичик гуруҳларда ишлаш/ «Кластер» усули, вазиятли масалалар, тестлар
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материаллар, вазиятли масалалар, тестлар
<i>Қайтар алоқа манбалари ва воситалари</i>	/ тест ўтказиш, берилган вазифаларни натижасини презентацияси ва б.к.

Назарий қисм:

Кўриладиган саволлар рўйхати:

1. Қонни ивиш механизми.
2. Гемостазга таъсир қиладиган ДВларнинг классификацияси.
3. Гемостазга таъсир қиладиган ДВлар ФД, ФКси.
4. Гемостазга таъсир қиладиган ДВларни қўлланилишига кўрсатмалар.
5. ФТнинг самарадорлигини аниқлаш.
6. Қарши кўрсатмалари, ножўя таъсирлари ва ўзаро таъсирларини билган ҳолда ФТнинг бехатарлигини таъминлаш.
7. Қон ивиш тизимига таъсир қилувчи доривор ўсимликлар қўлланилиши.

Машғулотни ўтказиш режаси:

1. Йўқлама.
2. Талабани машғулотнинг мақсади ва вазифаси билан таништириш.
3. Уй вазифасини баҳолаш (конспект, Рр-блокнот, рецептлар)
4. Актив сўров
5. Тестларни муҳокама қилиш

6. Вазиятли масалаларни ечиш
7. Ўқитишнинг интерактив усуллари
8. Резюме
9. Вазифани баҳолаш ва хужжатларни расмийлаштириш
- конспектга бал
- ўқув журнаliga бал

Реализация усуллари:

Тарқатма материаллар.

- 1) Вазиятли масалалар
- 2) Тестлар
- 3) Интерактив ўқитиш сценарийси
- 4) Топшириқ №1-4.

Топшириқ №1 Рецепт тўлдириш.

Мавзуга оид ДВ. ларга рецептлар ёзиш:	Ўқитувчига эслатма:	
Гепаринга рецепт, янги туғилган чакалоқларга	Rp: Heparini 5 ml (5 000 ЕД) D.t.d. № 3 S: 0,5 мл х 4 маҳал суткада т/о	Марталиқ доза: 100 ЕД/кг; В/и М/о, Т/о Ёш - 1 ой Вазни - 4,5 кг; Марталиқ доза -100 ЕД х 4,5 кг =450 ЕД
Гепарин инъекциясини ҳар 4-6 соатда. Биринчи суткада 1 марта (ёки 2-3 кунда 1 маҳал) кейинчалик қон ивишини аниқлаш керак. Гипокоагуляция белгиларида доза камайтирилади, дори юбориш интервали чўзилмайди. Агар қон ивиш вақти 2-3 мартага чўзилса терапия мувофақиятли ўтганини кўрсатади.		
Дипиридамолга рецепт ёзиш 5 ёшли бола	Rp: Tab. Dipyridamoli D.t.d. № 10 S: 1 табкунига 2 маҳаличишга	1,5 - 3 мг/кг/суткада 2-3 маҳал кунига Ёши - 5 лет Вазни - 20 кг; СД = 2,5 х 20 = 50 мг РД = 50 мг : 2 = 25 мг
Протамин сульфатга рецепт ёзиш	Rp: Sol. Protamini sulfatis 1%-5ml D.t.d. № 5 S: гепаринни дозаси ошгандаа 3 мл в/и юборилади.	В/и окизиб ёки 0,5 -3 мл ёшига кўра. Ёши- 10 лет Вазни - 30 кг; МД: 3 мл
Дицинон	Rp: Tab. Dicinoni 0,25 D.t.d. № 7 S: 1/5 таб кунига 3 маҳал ичишга.	Янги туғилган чакалоқларга суткада 0,05 х 3 маҳал
Викасол	Rp: Sol. Vikasoli 1%- 1ml D.t.d. № 5 inamp. S: 0,5 мл суткасига 1 маҳал м/о	Янги туғилган чакалоқлар 2- 5 мг (0,2 - 0,5 мл - 1%) суткасига 1 марта
Аминокапрон кислота	Rp: Sol. Acidi aminocapronici 5%-100ml D.t.d. № 5 S: 40 мл суткада 1 маҳал в/и қон кетганда.	Бир марталиқ доза катта болаларда 0,1 г/кг. Ёши- 5 лет Вазни- 20 кг; МД = 0,1 х 20 = 2 г 100 мл (5%) - 5 г х мл - 2 г; х = (100 х 2) : 5 = 40 мл

Топширик №3.Препаратга ТБВ

Мавзуга оид минимумдаги препаратларни ўзлаштириш (оғзаки ёки ёзма) чиқариш шакли, доза, юбориш йўллари. кўрсатма ФД ва ФК қарши кўрсатма ножўя таъсири ўзаро таъсири	Тулдириш: Гепаринга баҳолаш варақасини тулдириш (тарқатма материал).
---	---

Топширик № 3 ТФВ Гепарин

Препарат (гурухи)	Кўрсатма	Чиқариш шакли, доза, юбориш йули	Фармакодинамика Фармакокинетика	Қарши кўрсатма	Ножўя таъсири	Ўзаро таъсири.
ГЕПАРИН Антитромботик восита, бевосита антикоагулянт	ДВС-синдроми, Тез кечар пурпура, гемолитик ва уремик синдромлар, Оғир гастроэнтерит, янги туғилган чакалоқлардаги ўпка венаси тромбози натижасида нафас етишмовчилиги, титроқ аритмия, юрақда тромб ҳосил бўлиши ҳавфи ортганда, эндокардит, митрал нуксонлар, ўткир нефрит, ревматизм, бронхиал астма.Экстракорп орал гемодиализ, гемосорбция,форс ирланган диурез.	Гепариннинг натрийли тузи Фл. 5 мл, (5000,1000 0,20000 ЕД 1 млда.) Доза 300ЕД/кг суткасига 4-6 маҳал. ЯТЧ да 10 ЕД/кг, баъзида 15-20 ЕД/кг. Аэрозолда 500 ЕД/кг в/и ёки т/о, (ультрато вуш ингалятор и ёрдамида)	ФД: 1)антикоагуляцион эффект- антитромбин III билан бирикиб, қон ивишининг IIa ,IXa, Xa, XIa, XIIa факторларини активлигининг сусайиши натижасида фибрин тромблар ҳосил бўлишининг камайиши. 2) антиплазмин билан комплекс ҳосил қилиб қоннинг фибринолитик системасини активлигини оширади, қоннинг ёпишқоқлигини камайтиради. 3)Антиагрегант эффект-Гепарин томирлар мембранаси эндотелийсида ва қоннинг шаклли элементлари юзасида тўпланиб, манфий заряд ҳосил қилади ва натижада агрегация ва адгезияга тўсқинлик қилади. 4)аллергияга қарши эффект - Т ва В лимфоцитлар кооперациясини бузиб, иммуноглобулинлар ҳосил бўлишини секинлаштиради. Гистаминни боғлайди ва гистаминазани активлаштиради. 5) Гормонлар активлигига таъсир қилади: паратгормон активлигини оширади, адреналинни боғлайди. 6) Мияда тирозингидроксилаза активлигини, пепсиноген, ДНК-полимеразни оширади, миозин- АТФ-аза, пепсин активлигини камайтиради. 7) Ичакларда ёғ сўрилишини бузади. ФК: в/и - эффект дарҳол, м/о - 15-30 минутдан кейин, т/о - 40-минутдан кейин, ингаляцияда -1 суткадан кейин. Эффект давомийлиги -4-5;6;8 с. ва 1-2 ҳафта. Антитромботик эффект узокроқ давом этади. Гепарин эндотелиал хужайраларда, РЭС, жигар ва талокда (в/и, м/о), альвеолалар макрофагларида (ингаляцияда) тўпланади. Бу хужайралар гепариннинг асосий депоси бўлиб, улардан аста секин қонга тушади. Гепарин десульфатацияга учраб. Сийдик билан ажралади.	ДВС-синдром билан боғлиқ бўлмаган қон кетишларда, Томирлар ўтказувчанлиги ошганда, жигар ва буйракнинг оғир патологияларида (гепариннинг элиминацияси секинлашади), тромбцитопенияларда, хавфли ўсмалар, лейкоз.	Бош айланиши, кўнгил айланиши, анорексия, қайди кетиши, узок қўлланилганда - остеопороз (паратгормоннинг фаоллашуви) ва юмшоқ тўқималарнинг кальцификациялари, тромбцитопения.	Аминогликозидлар, Стрептомицин, Пенициллинлар, тетрациклинлар Глюкокортикоидларнинг (улар гепарин билан чўкма ҳосил қилади) эффективлигини сусайтиради.

Интерфаол дарс ўтиш сценарияси.

«Инцидент усули».

Талабаларни шошилиш ҳолатларда кичиктириб бўлмайдиган қарор қабул қилишга ўргатиш. «Инцидент усули» да дарс ўтишдан мақсад беморни ҳаёти учун хавфли бўлган шароитда мустақил ҳаракатлана олишни ўргатиш. Талабага, тез қарор қабул қилиш шарт бўлган, муайян шошилиш ҳолат берилади.

Ҳолатни тахлили 0,5-1,5 дақиқада ўтказилади. Бунда билимни чуқурлиги эмас балки беморга кўрсатилган шошилиш ёрдам алгоритми баҳоланади. Жавоби беҳато бўлиши шарт.

«Инцидент усули» ни самарадорлиги шундаки талабани клиник фикирлашини кучайтиради, экстремал шароитларда тез қарор қабул қилишга ўргатади.

Масалан:

